

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Посида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№ 49—50 (2690—2691)
1994 йил, 1 июль

Тошкент шаҳрида
сотувда баҳоси
30 тийин.

Расмий ахборот

МАҚСАД — МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси ИИБда БМТнинг гиёҳвандлик воситалари устидан назорат қилиш бўйича Халқаро дастури эксперти, таниқли ҳуқуқшунос Б. Ляруа ва БМТ гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш бўйича Дастурининг Ўзбекистон Республикасидаги минтақавий директори А. Майшек билан учрашув бўлиб ўтди.

Республика ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги ў. Комилов учрашувни очиб, меҳмонларни ички ишлар идораларининг гиёҳвандлик моддалари гайриқонуний айланишига қарши кураш фаолияти билан таништирди. Чунончи, ИИБ Жиноят қидирув бош бошқармасининг бўлими базасида яқинда бошқарма тузилиб, у ёки бу даражада гиёҳвандлик моддалари билан боғланган жиноятларнинг олдини олиш ва уларни очиб қилиш барча жиҳатлари унинг вазифалари қилиб белгиланди. Гиёҳвандлик моддаларини гайриқонуний тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш учун жавобгарликни кучайтириш борасида қонунчилик базаси такомиллаштирилмоқда.

Республика ИИБ бошқармаси бошлиғи, милиция генерал-майори Н. Исмоилов барча мамлакатларнинг куч-ҳаракатларини гиёҳвандликдек ижтимоий қулфатга қарши бирлаштириш муҳимлигини таъкидлаб, Ўзбекистон БМТнинг тўлақонли аъзоси сифатида ички ишлар идораларининг кучи билан гиёҳвандлик моддалари гайриқонуний айланишига боғлиқ жиноятларни барҳам топтириш учун мумкин бўлган барча ишни қилади деб ишонтирди. Оғу тайёрлашда хом ашё ҳисобланган, таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликлар экилган пайкалларни йўқ қилиш биринчи навбатдаги вазифадир.

Меҳмонлар республика ички ишлар идоралари томонидан ҳозирги вақтда олиб борилаётган "Қорадор-94" деб номланган тадбирнинг натижаларидан хабардор қилинди.

Б. Ляруа дўстона қабул учун миннатдорчилик билдириб, ўз ташифининг мақсадлари ҳусусида батафсил тўхтади. У БМТнинг гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш бўйича Халқаро дастури фаолиятининг гиёҳвандлик моддаларига қарши кураш масалаларида турли мамлакатлар қонунчилигини яратиб ва такомиллаштиришда ёрдам кўрсатиш билан шуғулланаётган қисмига масъулдир. Б. Ляруа октябрь ойида Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган Марказий Осиё мамлакатларининг семинари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар минтақавий ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш сари қўйилган янги қадам бўлишини таъкидлади.

А. Майшек ўз ҳамкасбининг сўзларини тўлдирди. У ҳусусан Ўзбекистон ва Қирғизистон бу борада маълум муваффақиятларга эришганини, гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний айланишига қарши курашга доир фаолиятда тегишли усуллар ишлаб чиқишганини, Қозғистон бу борада анча орқадалигини, Тожикистон ва Туркменистон ана шу оғир йўлга энди қадам қўйганлигини айтиб ўтди. Марказий Осиё мамлакатларининг мустақилликка эришгани, ўз вақтида ягона ёндашувни ишлаб чиқишни, гиёҳвандликка доир жиноятларни барҳам топтириш ва жазони тартибга солувчи қонуни ҳужжатларини бирхиллаштиришни тақозо этади. Бўлгуси семинар унда қатнашувчи мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа маҳкамалари ўртасидаги ҳамкорлик қилиш йўллари топишда, ана шу ўзига хос соҳадаги муносабатларни тартибга солишда ёрдам беради.

Фақат бир муаммони — гиёҳвандлик моддаларини назорат қилган ҳолда ташишни олиб қўрайлик. Чунончи, баъзи мамлакатлар пассив усулдан фойдаланадилар, бунда полиция ташилаётган гиёҳвандлик моддаларидан хабардор бўлади, лекин уларни мамлакатдан олиб кетишга тўсқинлик қилмайди. Бошқа мамлакатлар фаол усулдан фойдаланадилар, унга мувофиқ тезкор маълумотларга эга бўлган полиция гиёҳвандлик моддаларини харид қилиш устидан назоратни амалга оширади ва сўнгги уларни сотувчиларни ушлайди ва қамоққа олади. АҚШда ҳам фаол усулдан фойдаланилади, бунда энг замонавий техника, алоқа воситалари, гиёҳвандлик моддаларини тез тадқиқ этадиган ускуналар, махсус тайёрлаган кўрган ходимлар жалб этилади, натижада оғуфурушларни фаш этиш ва ушлаш бўйича йирик миқёсли тадбирларни ўтказиш мумкин бўлади.

Қайси усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ? Семинарда шунга ўхшаш кўплаб масалаларни ҳал қилиш, ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг аниқ қадамлари ва босқичларини белгилаш зарурдир.

Республика ИИБ раҳбарлари суҳбат якунида бўлгуси семинарнинг муҳимлигини, уни тайёрлаш ва бундан кейин ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун гиёҳвандлик моддалари гайриқонуний айланишига қарши кураш бўйича доимий ишлайдиган котибият ташкил этилаётганини таъкидладилар. Унинг таркибига республика ИИБ, МХХ, Прокуратура, Адлия, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари ва солиқ инспекциясининг масъул ходимлари қирадилар. Уларнинг ўзаро ҳамкорлиги, шубҳасиз, ишда фойда келтиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ ҲАЙЪАТИДА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳайъатининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25 июндаги мажлиси қарорларидан келиб чиқадиган ички ишлар идоралари олдига турган вазифалар муҳокама қилинди. Ушбу масала бўйича республика ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти З. Алматов маъруза қилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ягона алоқа тизимининг ҳолати ва уни такомиллаштириш тўғрисидаги ахборот тингланди ҳамда муҳокама қилинди.

Ҳайъат ИИБлар ягона алоқа тизимини такомиллаштириш режасини тасдиқлади.



ПАРКЕНТ АРОҒИ

Пойтахт вилоятидаги Паркент туманининг солиқ назорати, прокуратура, ички ишлар бўлими ходимлари июнь кунларидан бирда теша тегмаган фактни аниқладилар. Ҳеч қачонда ишламайдиган Ш. Энинг Э. Халилов кўчасида жойлашган уйдан 1665 шиша "Рус ароғи", 105 пластмасса яшиқ топилиди, 335000 сўм-купон мусодара қилинди.

Таркибида аҳолининг саломатлиги учун зарарли техник спирт бўлган қўлбола ароқ тўлдирилган шишалар аҳолига сотиш учун мўлжалланган эди.

Қўрилган тезкор чоралар натижасида аниқланишича ва Ш. Энинг изоҳларига қараганда, бу маҳсулот Тошкентдан келтирилган экан. Тошкентдаги Х. Турсунқулов кўчасида яшовчи М. исмли тақси ҳайдовчиси унга ароқнинг ҳар бир шишасини 13 минг сўм-купондан сотган.

Тақси ҳайдовчиси яшайдиган уй тинтув қилингандан ертўладан "Рус ароғи" этикеткаси ёпиштирилган яна 217 шиша қўлбола ароқ, шунингдек 180 бўш шиша, ўткир қидил 20 шиша суюқлик ва шиша оғзини ёпадиган бир неча мослама топилиди.

Ушбу факт бўйича Паркент туман ИИБ томонидан жиноий иш

кўзгатилиди. Ана шу жиноятни очишда жиноят қидирув гуруҳининг катта тезкор вакили, милиция катта лейтенанти П. Холисов, участка вакили, милиция катта лейтенанти Қ. Пўлатов, тергов бўлимининг бошлиғи, милиция майори Ш. Мелибоев ва милиция катта сержанти С. Пўлатовлар фаол иштирок этишди. Тезкор гуруҳга эса туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Р. Арслонов раҳбарлик қилди.

Ҳабиб ШУКУР.

Суратларда: Паркент туман ИИБ ДАН



бўлими инспектори, милиция катта сержанти Ш. Тўнчиев (чапдан) ва туман ИИБ бошлиғининг хизмат бўйича ўринбосари, милиция майори А. Абдуллаҳақимов уйда жойлашган омборни қўздан кесиринмоқда; сотиш учун тайёр "маҳсулотлар"; туман ИИБ ходими, милиция майори К. Мирзаев (чапдан), жиноятчиликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция майори А. Саматов ва туман ИИБ бошлиғининг шахсий тақсир бўйича ўринбосари, милиция майори Н. Гойбазаров тезкор тадбирлар давомида мусодара қилинган ашёвий далилларни ҳужжатлаштиришмоқда.

Муаллиф олган суратлар.



"02" ХАБАР БЕРАДИ

ЙЎЛТЎСАР УШЛАНДИ

30 МАЙ КУНИ соат 15 дан 10 дақиқа ўтганида Миробод туманининг Тарас Шевченко кўчасида йўловчи ў. Ҳошимовга номаълум шахс ақиблашиб, унинг қўлоқларидан зирақларига чанг солиб олиб олади ва жуфтаник ростлайди. Аёлнинг бахтига шу кўчадан ўтиб бораётган Республика Ички ишлар вазирлигининг шахсий таркибни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўлими инспектори, милиция капитани Баҳром Қўлбеков ушбу ҳодисани кўриб, талончининг кетидан қувиб кетади. Муволишга етганда ўғри самбо усулига бардош беролмай қўлга тушади ва зирақларни гувоҳлар олдида Ҳошимовга топширишга мажбур бўлади. Дастлабки тергов маълумотларига қараганда, талончи Қарши вилоятидаги махсус комендатурадан қочган, муқаддам судланган Н. Қ. бўлиб чиқди.

ТАДБИР ДАВОМ ЭТМОҚДА

МИРЗО УЛУҒБЕК ва Ҳамза туманларида навбатдаги "Тартиб" деб номланган тадбир ўтказилди. Ушбу тадбир жараёнида 5 та жиноят фаш этилиб, битта қидирувдаги жиноятчи қўлга олинди. Булардан ташқари шу туманда истиқомат қилувчи 2 минг 450 та фуқаро текширилди, шулардан 33 нафарига нисбатан паспорт тартиби бузилгани учун маъмурий баённомалар тузилди. 93 та фуқарога жамоат жойларида спиртли ичимликлар истеъмол қилганлиги учун жарима солинди. 5 та фуқаро майда

ўғирликлар содир қилганликлари учун ушланди, 15 киши санитария қондалари бузурилганда аниқланиб уларга нисбатан маъмурий баённомалар ёзилди.

ЭҲТИЁТСИЗЛИК ҚУРБОНИ

ЭНДИГИНА 4 баҳорни қаршилаган Дилдора Сайфутдиновани ёлғиз қолдирган ота-онаси электр симлари унинг умрига завоқ бўлади, деб ўйламаган эдилар. 31 май кўни эрталаб соат 10ларда Сирғали туманидаги Байналминал кўча, 1-уйда юмушлари билан овора бўлган она қизчаси Дилдорани ўз ҳолига қўйиб, ҳовлига чиқиб кетади. Энди юришни ўрганган Дилдора очик қолган электр симларини билмай ушлаб олади. Шаҳарнинг 16-шифоҳонасида тез тиббий ёрдам кўрсатилишига қарамай Дилдора тилсиз ажал қоманда жон берди.

ТАЪМАГИР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

ЮНУСОБОД туманининг Гулобод даҳасида истиқомат қилувчи М. Хосият илгари ўзи ўғирлаб олган талаба синов дафтарчасини эгасига қайтариб бериш учун 1 миллион сўм талаб қилди. Синов дафтарчасини анчадан бери излаб юрган иқтисод олийгоҳи талабаси Х. бу ҳақда милицияга хабар беришга қарор қилди. Талаба Х. айtilган жойда пулни бераётганда таъмагир М. Хосият қўлга олинди.

И. РАХИМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
матбуот гуруҳи ходими.

Саҳифада:

ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИҲУҚУҚИЙ
МАВЗУДА
СУҲБАТ

Бўка тумани ИИБ ходимлари меҳнат жамоалари ўртасида учрашувни режа асосида ташкил этмоқда.

Яқинда туман марказий кутубхонасида милиция ходимлари кутубхона ходимлари билан учрашиб, ҳуқуқий мавзуда суҳбат ўтказишди. Суҳбатда ИИБ ходимлари 1994 йил 1 чорагида туманда жиноятчиликка қарши олиб борган ишлар хусусида тўхтадилар ва суҳбат иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Шунингдек, суҳбатда милиция майори Маҳмаджон Соиповнинг "Жий-дамайдондаги қотиллик" қиссаси китобхоналар ўртасида жуда катта қизиқиш уйғотганлиги, унда милиция ходимларининг оғир ва машаққатли ҳаёти ёритилганлиги алоҳида таъкидланди.

Китоб асар қаҳрамони хизмат вазифасини адо этаётганда ҳалок бўлган бўкалик милиция сержанти Ражаббой Абдуллаев хотирасига бағишлангандир.

Ийгишлар муаллифининг шахсий ҳаёти ва таржимаи ҳоли, милиция ходимининг хизмати оғирлиги ва қандай қилиб ижод учун вақт топаётганлиги тўғрисида қизиқдилар.

Китобхоналарнинг барча саволларига милиция майори М. Соипов батафсил жавоб берди.

Ийгилиш охирида марказий кутубхона фондида сақланаётган саргузашт китоблардан совга тариқасида муаллифга тақдим этилди.

Б. ҲУСАНОВ,
Бўка тумани ИИБ
бошлигининг шахсий таркиб
билан ишлаш бўйича
ўринбосари, милиция
капитани.

СУРАТЛИ АХБОРОТ

Тошкент вилояти ИИБ ДАН бўлимасининг ходимлари — милиция старшиниси Р. Маҳқамов ва милиция сержанти Ш. Эргашев ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳудудда астойдил фаолият юритмоқдалар. Кейинги вақтда улар хизмат қилаётган участкада йўл ҳаракати қондаларини бузишлар миқдори кескин камайди.

Суратда: Р. Маҳқамов ва Ш. Эргашев ҳайдовчилик ҳужжатларини текширишмоқда.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

СПИД — маълум даражада ахлоқий омил билан боғлиқ касалликдир. Кўпинча тасодифий жинсий алоқа қилганлар ҳам шу касалликнинг тарқалишига сабабчи бўлиши мумкин. Бесоқолбозлар, фоҳишалар,

МИЛИЦИЯ майори Ш. Эгамбердиевнинг 20 йиллик меҳнати жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати билан борлиқдир. Аввалига воёга етмаганлар билан ишлаш назориятида инспектор, сўнгра унинг бошлиғи, 1990 йилдан бошлаб эса милициянинг катта участка вакили бўлди.

Ҳозир Шамсиддин Қуйичирчиқ туман ИИБ участка вакиллари орасида энг тажрибалиларидан биридир. У ва унинг икки ерданчиси 12 минг киши яшайдиган "Ўзбекистон беш йиллиги" давлат хўжалигига хизмат кўрсатишади.

Ҳудудда қўлаб турли миллат вакиллари бор. Бу ерда ўзбеклар билан бирга руслар, қрим татарлар, корейслар, бошқа миллатлар вакиллари аҳил яшайдилар. Катта участка вакили уларнинг тинч-осойишта яшаши учун масъул.

Унга ердан сўраб мурожаат қилувчилар агар қўлидан келса Шамсиддин албатта уларга ердан беришини яхши биладилар.

Зарур бўлганда Эгамбердиев гоётда сабр-тоқатли бўла олади, ўз тарбиясидагилар учун кўп иш қилиши мумкин, лекин унинг ишончини оқламаган, насиҳатига қулоқ солмаганларнинг ҳолига вой.

Фуркат Т. ҳозиргача унинг ҳисобида туради. Оғир жинояти учун жазо муддатини ўтаб, уйга қайтиб келди. Унинг тилда дoston бўлган "қаҳрамонлик" ларидан хабар тошган хўжалик раҳбарларидан бирортаси ҳам ишга олишни хоҳламади. "Асабимни бузиб нима қиламан, — деб ўйлашарди улар, — барибир ундан одам чиқмайди".

Албатта, Шамсиддин ҳам: ўзинг кўриб турибсан, бошқа ердан иш қидир дейиши мумкин эди. Лекин у инсонни қийин дақиқада кулфатта ташлаб кетгани йўқ.

Унинг ўзи ҳисобида турган киши учун иш қидиришга киришди. Фуркатни сут-товар фермасига молбоқар вазифасига жойлаштирди.

Ферма енидан ўтганда Эгамбердиев албатта у ерга кирарди, ҳисобида турувчилар билан қизиқарди. Катта участка вакили йигит тузала бошбди деб ўйлай бошлаган эдики, кутилмаганда ушбу воқеа юз берди.

Шамсиддин хўжалик ҳудудини айланиб юрганида аравада бир қоп омихта ем ва бир банка сут олиб кетаётган фуркатни учратди. Бундан ҳавотирланиб, ўша заҳоти фермага югурди. Маълум бўлишича, фермадан омихта ем

МУҲИМ
ПОСТА

билан бир банка сут ўғирланган.

Биринчи гал Фуркат жирима тўлаш билан қутулди. Эгамбердиев унинг нега бундай қилганига ҳеч тушуна олмади. Шу сабабли унинг уйига йўл олди. Фуркатнинг яқинлари, қўшнилари билан суҳбатлашди ва муаммонинг калитини топти. Маълум бўлишича, Фуркат кейинги пайтда ичкиликка берилга бошлабди. Доимий кайф-сафо учун эса пули етмаган. Натижада ўғирликка қўл урган.

Унинг ҳисобида турган Фуркат бу йўлдан қайтишни истамаслигини Шамсиддин жамоат жойида маст ҳолда пайдо бўлгани учун унга маъмурий баённома тузган пайтда англаб етди.

Фуркатта таъсир кўрсатиш чораларини тезда қаттиқлаштириш лозим эди, шунинг учун катта участка вакили уни милициянинг маъмурий назоратига олиш таклифини айтди.

Муқаддам судланган Фуркатни

қатъиян назорат остига олиш уни ўзига келишга мажбур этди. Йўқ, Фуркат ҳали милиция ҳисобидан чиқарилган эмас, бироқ у ўзи учун асосий хулосани чиқариб олди: яхшиликнинг ҳам чегараси бўлади, билдирилган ишончини албатта оқлаш даркор.

Эгамбердиев хизмат кўрсатадиган ҳудудда жиноят содир бўлиб қолса, уни очиш устида ерданчилари ҳам тер тўкадилар. Бир куни катта участка вакилига мактабдан қўнғироқ қилиб, рангли телевизор ва девор соати ўғирлангани ҳақида хабар беришди.

Эгамбердиев ҳар бир участка вакилига вазифа топширди. Улардан бири ўқитувчилардан сўраб-суриштириши, яна бири гувоҳларни топишга ҳаракат қилиши керак эди.

Ўз ҳудудда яшовчи кишиларни яхши билган Шамсиддин бу ўғирликни четдан келган "меҳмон" қилганига ишонарди. Ўз тахминини текшириш учун қариялардан яқин орада четдан меҳмонлар келган-келмаганини суриштирди. Маълум бўлишича, Янгйўлдан бир киши бу ерга синглисини кўргани келган экан. Шуниси галатики, меҳмон нуқул кўчаларни айланиб юрган, ҳатто мактабга ҳам кириб чиққан.

Шамсиддин шубҳаланилаётган кишининг турар жойини аниқлаб, уйига борди. Ўғирланган буюмлар унинг уйдан топилиди. Жиноят уч кун ичида очилди.

Эгамбердиев ўз ходимлари билан кўп мулоқотда бўлади. Уларни хизматга доир йўриқномалардан тўғри фойдаланишга, доимо кишилар орасида бўлишга ўргатади. Фақат шундагина улар милиция участкасида юз бераётган ҳама воқеалардан хабардор бўладилар, зеро бусиз нафақат жиноятнинг олдини олиш, балки жиноятларни очиш ҳам мумкин эмас.

Ш. АҲМЕДОВ,
милиция подполковниги.

ЎПЛАР ТАРБИЯСИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

сўзак касаллигига чалинганлар ва гиёҳвандлар ҳам бу дardни келтириб чиқаришда хавфли ҳисобланади. Гиёҳвандликка, фоҳишабозликка ва бесаранжом жинсий алоқа қилувчиларга қарши кураш СПИДга қарши кураш демакдир.

Тошкент вилоят ИИБнинг "Ахлоқ милицияси" бўлими СПИДнинг олдини олиш маркази билан ҳамкорликда бир қатор

чора-тадбирларни амалга ошираётир.

1994 йилга белгиланган режа бўйича тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда меҳмонхона, сауна, видеохоналар ва бошқа жойларда рейдлар ўтказилди. Ўтказилган

учрайди.

Шунингдек, фоҳишабозлик билан шугулланувчи, бесоқолбоз, игна орқали танасига наркотик моддаларни юбуровчи гиёҳвандлар ҳам ҳисобга олинди. Ҳозирги пайтда бундай

видеокассеталарни сотиб, мўмайгина пул ишламоқчи бўлган чирчиқлик бекорчи, 1951 йилда тугилган Неля Берино, 1947 йилда тугилган нафақадор Валентина Стевак ва Республика кино дўстлари жамияти экспедитори, 1958 йилда тугилган Владимир Сенкилар ушланиб, уларга суд томонидан жарима солинди.

Келажаги буюқ давлатни бошқарадиган соғлом авлодни тарбиялаш, камолга етказиш фақат ўқитувчиларнинг, шифокорларнинг, мураббийларнинггина вазифаси бўлмаслиги керак. Бу соҳа умумхалқ иши даражасига кўтарилгандагина улугвор натижаларга эришишимиз мукаррар.

М. ШОНАЗАРОВ,
Тошкент вилоят ИИБ "Ахлоқ милицияси" бўлимининг катта инспектори, милиция майори.

ХАЛҚИМИЗДА ўт балосидан, сув балосидан яратганининг ўзи сақласин деган ибора бор. Бу бежиз айтилмаган, чунки бу балоларнинг икковига ҳам бас келишнинг ўзи бўлмайди. Ҳамманинг кўзини яшатиб турган уй ениб кул бўлса еки ичида қолган одам куйиб, қора кўмирга айланса, унинг даҳшати анчагача кўз олдингиздан кетмай қолар экан. Шуларни кўрар экансан, албатта, ҳар қандай қийинчиликлар, харажатлар билан бўлса ҳам ўт балосининг олдини олиш минг марта яхши экан, деб ишонч ҳосил қиласиз.

Лекин шунча оғохлантириш ишлари олиб борилса ҳам кўпчилик одамлар, ташкилот раҳбарлари энгининг олдини олиш ишларига лоқайд бўлишларига ҳайрон қоласан. Бултур туман ҳудудига жами 142 та энгин содир этилган бўлса, бу йил биринчи чорада 34 та энгин содир бўлди.

Аҳоли яшаш жойларида энгин

асосан печка, газ мўриларининг талабга жавоб бермаслиги, тез ёнувчи сомон ва бошқа нарсаларнинг томларда, очик ҳолда сақланиши, электр асбобларининг носозлиги оқибатида юз бермоқда. Зангиотада Аҳмедовлар хонадонидида юз берган

ШУ КҮННИНГ МАВЗУСИ
ЎТ БАЛОСИ

энгин кўпчилигининг едиди. Темир дарвозани пайвандлаш вақтида хашакка учқун тушиши сабабидан бир неча дақиқада урта хонадон ениб кетиб, уй эгаси ҳалок бўлди.

Хонабоддаги Қайомовлар ва Садиров хонадонидида энгин пайтда ҳам ҳалок бўлганлар бор. Сарф-харажатнинг ўрни қопланиши мумкин. Лекин ўлганларни қайтариб бўлмайди.

Уй қуришда энгинга қарши ораликни қолдирмаслик оқибатида энгин чиққанда 2-3 талаб уйлар ениб кулга айланмоқда. Кўпгина давлат корхоналари, жамоа ташкилотлари, завод, фабрикалар ҳудудини кўздан кечирсангиз, албатта, қатор

қамчиликларни учратасиз. Айниқса, қурилиш кетаётган жойларда қамчиликлар кўп. Жойларда энгинга қарши оддий воситалар мавжуд эмас. Қурувчиларнинг ва улар раҳбарларининг совуққонлиги, пировардида давлат, ҳалқ учун анча қимматга тушади. Шу йилнинг 7 апрель куни "Назарбек" жамоа хўжалиги ҳудудидида, янги қурилатган

тақсимловчи совуткич биносидида электр қувватидида ишловчи қорасакч эритгич еқилган ҳолатида қолдириб кетилиши натижасида энгин чиқиб, оқибатда 1500 квадрат метр девор орасидидаги маҳсус қоплама энган, бозор иқтисодиети шароитида жуда оғир қийинчиликлар билан қурилатган бинога анча зарар етказилди.

Ҳар бир корхона раҳбари, аҳоли бу гаплардан тегишли хулоса чиқариб олиб, энгиннинг олдини олиш учун барча чораларни кўриб қўйсалар яхши бўларди. Чунки кейинги пушаймон ўзингга душман, деган мақол бор. Совуққонлик ва лоқайдликка барҳам берайлик, ҳар бир шахс ўз меҳнати, пешона тери билан қурган ўй-жойининг қадрига етсин.

А. ДАМИНОВ,
Зангиота туман ИИБ бошлиғи
муовини, милиция майори.

Замирахон Аҳмаджўаева, Янгйўргон тумани Ички ишлар бўлими балогатта етмаган ёшлар билан ишлаш бўйича милиция катта нозири, милиция майори. Ойлали, тўрт нафар фарзанди бор.

Замирахон Тошкент давлат чет тиллар олий билимгоҳини битириб ички ишлар хизматига кирган. Мана, 16 йилдан бери балогатта етмаган ёшлар билан ишлайди. Унга бириктирилган туман марказига

рисоладагидек бажаргани, ҳаммага баравар, мулоим муомалада бўлгани учун ҳам янгйўргонликлар севишади, ҳурмат қилишади.

— Замирахон, сизни ички ишларга ўтишга нима мажбур қилди, бу соҳа аёл киши учун оғир эмасми?

— Дадамлар — милиция генерал-майори Екубжон Исаев ўзининг бутун умрини ички ишлар соҳасига бағишлаганлар. Хонадонимизда дадамнинг ҳамкасб дўстлари тез-тез

соҳангизга эътироз билдирмайдими?

— Эътироз-ку билдирмайди. Баъзан ҳориб, чарчаб келганимда кўнглимни кўтаришга ҳаракат қилганимда сезаман, ачинади.

— Жиноят содир этиб, жиноий жавобгарликка тортилаётган болага аёл сифатида қандай қарайсиз?

— Тушунмасдан жиноят қилган болаларга аёл, она сифатида ачинаман. Керак бўлса, уларга қонун йўли билан кўмаклашаман. Ахир, бола онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Ҳамма гап тарбияда. “Емон тарбиячи бўлиши мумкин, аммо емон бола бўлиши мумкин эмас”. Ҳар бола — бир дунё, у билан унинг дунёсидан келиб чиққан ҳолда муомала қилиш керак.

— Бўш пайтларингизда нима билан шуғулланасиз?

— Менимча, оиласини ширин таомлар билан сийлашни истамайдиган аёл бўлмаса керак. Пазандалик қиламан, китоб ўқийман, чеварликка қизиқаман.

— Раҳмат Замирахон, сизга оилавий ҳаётингизда ва ешларимизнинг жамиятга нафи тегадиган қилиб тарбиялашдаги ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳайитали ХОЛМИРЗАЕВ.

ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРМОҚДА

ШУ ЙИЛИ Жалолобод вилоятида Фаргона водийси вилоятлари ички ишлар бошқармалари жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, аҳолининг оқолини таъминлаш ва бошқа қатор кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни биргаликда ҳал қилиш, ҳамкорлик ҳусусида кенгашиб, тегишли ҳужжатларни имзолаган эдилар. Жалолобод учрашувидан кейин вилоятлар ўртасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Наманган — Жалолобод ҳамкорлиги тўғрисида ҳам ижобий фикрларни айтиш мумкин.

Жумладан, Жалолобод вилоятининг Аксу ҳамда Наманган вилоятининг Уйчи туманлари Ички ишлар бўлими ходимларининг биргаликдаги ҳаракатлари жиноятчиликка қарши кураш ишларида ўз самарасини берапти.

Ўзбекистон Президенти Исом Каримов Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев билан учрашувларидан бирида “Биз, ўзбеклар ва қирғизлар битта халқмиз. Бизнинг бозоримиз ҳам, мазоримиз ҳам бир” деган пурмаёно сўзларни айтган эдилар. Бу сўзлар халқларимиз ўртасида меҳр-оқибат ришталарининг мустаҳкамлаётганлиги, давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги-янги қирралари очилиб бораётганлигидан далолат берувчи ўзига хос шнорга айланди. Мана шу эзгу мақсад йўлида биз ички ишлар ходимларининг ҳиссамиз қўшилаётганидан фахрланамиз.

Жалолобод учрашувидан кейин биз икки туман ички ишлар бўлими раҳбарлари Уйчи шаҳарчасида ва Караван шаҳарчасида учрашиб, биргаликда фаолият кўрсатиш учун келишиб олди ва шунга асосан иш режасини тасдиқладик. Ҳозирги кунда “Вал”, “Сирень”, “Перехват”, “Вихр”, “Эльтор” каби тадбирларни ҳамкорликда ўтказяпмиз.

Бу тадбирларда асосан жамоат тартибини бузувчи шахслар, автоулов ўғрилари, қуролланган хавфли жиноятчиларни қўлга олиш, табиий офат хавфи бўлганда ҳамда юқумли касалликлар эпидемияси кутилган пайтларда бир-биримизга ёрдам берамиз.

Ҳамкорлигимиз самараси тўғрисида гап кетганда, шу йилнинг биринчи чорагида биргаликдаги ҳаракатимиз туфайли очилган жиноий ишлар ҳусусида айтиб ўтиш лозим. Бу даврда “Қизил ровот” ва “Қизил жар” қишлоқлари ҳудудида аҳолининг чорва молларини ўғирлаш ҳоллари кўпайди. Лекин ўғрилари исиз йўқолаверишарди.

Охири, ўғрилари Уйчи туманига



қарашли “Қизил ровот” участка вакили, милиция майори Тўйчибой Эгамов ушлади. Шу ўринда Тўйчибой ака тўғрисида алоҳида тўхталиш лозим. Бу жонсарақ инсон 10 йилдан бери 22 минг аҳоли истиқомат қиладиган учта ҳўжалик ҳудудида милиция участка вакили бўлиб ишлаб келди. Ҳудуди катта бўлишига қарамай, ерли аҳолини жуда яхши билди. Уларнинг тўй маросимларида ҳамдард, ҳамнафас бўлади.

Инспекторларнинг иш хонасига молини ўғирлаган киши шикоят билан келди. Т. Эгамов дарров ўзининг “назари”га тушиб қолган гумондорларни бирин-кетин чақириб, сўроқ қила бошлади. Натижада олти кишидан иборат жиноятчи гуруҳ аниқланиб, Аксу тумани “Қизил жар” қишлоқ милиция участкасига хабар қилинди. Тўйчибой Эгамовнинг ички ишлар ходимига хос синчковлиги туфайли, “Қизил жар” қишлоғида 27 бош қорамол ва икки бош от ўғирлаб олти марта жиноят содир этган саккиз кишидан иборат гуруҳ қўлга олинди. Бу гуруҳ аъзоларининг жиноятлари фош қилиниб, судга оширилди.

Тўйчибой ака Эгамов жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш борасидаги ўзбек-қирғиз ҳамкорлигига катта ҳисса қўшаётган фидойи инсондир. У кунора “Қизил жар”да бўлиб, қишлоқ милиция вакили, милиция майори Қирғизали Атантаев, участка милиция вакили, милиция катта лейтенанти Эркинали Қирғизбоевлар билан маслаҳатлашиб туради. Икки юрт ички ишлар ходимларининг мана шундай ҳамжиҳатлик билан амалга ошираётган тадбирлари, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги тажрибалари келгусида бундан ҳам яхши натижалар беради, деб умид билдирамиз.

Рустамжон МАДУМАРОВ, Уйчи тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори. Маматкарим АНОРБОВ, Жалолобод вилояти Аксу тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани.

Суратда: милиция участка инспектори, ички хизмат майори Тўйчибой Эгамов.

ТЕЖЕРАЛНИНГ КИЗИ

туташ Истиқдол қишлоғида олти та мактаб, ҳунар билим юрти, қишлоқ ҳўжалик техникуми жойлашган. Қишлоқда балогатта етмаган ёшлар 18 минг нафарни ташкил қилади. Улардан фақат 9 нафари майда жиноятчилик билан шуғуллангани учун милиция рўйхатида туради.

Замирахон ўз ҳудудида ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тез-тез суҳбатлар, баҳслар уюштириб туради. Уни идорасидан камдан-кам ҳолларда топасиз. Чунки гоҳ у мактабда, гоҳ бу мактабда, гоҳ билим юртида, гоҳ техникумда бўлади. Ўз вазифасини

бўлишиб, хизмат лозасидан гаплашиб, мен эса милиция ходимларининг иродали, катъиятли ва фидойиликларига ҳавас қилардим. Мана шу муҳит таъсири бўлса керак, олий билимгоҳни тамомлагандан кейин мана шу ишга ўтдим. Энди оғир ёки енгиллигига келсак, дадамни жуда яхши кўрардим. Улар вафотидан кейин менга кийимлари далда бўлди. Милиция кийимини кийсам отам ёнимда тургандек бўладилар. Қолаверса, отамнинг йўлини давом эттираётганимдан фахрланаман.

— Турмуш ўртоғингиз хизмат

САМАРАЛИ ТАДБИР

Яқинда Наманган вилояти ҳудудида кенг қамровли “Назорат-94” тадбири ўтказилди.

Уни юқори даражада ўтказиш, кўзланган мақсадга эришиш учун бутун куч ва имкониятлар ўрганиб чиқилди.

Туман ва шаҳар ИИБ бошлиқлари тадбир масъуллари таъинландилар.

Йигирма кунга мўлжалланган бу тадбирда вилоятдаги шаҳар ва туман ИИБларининг 400 дан зиёд милиция ходимлари, 600 дан ортиқ жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Улар томонидан маъмурий назорат таъсирига тушувчи 742 ҳамда маъмурий назоратда турган 70 та шахс текширилди. Маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қонун таъсирига тушувчи шахслардан 39 таси жамоат тартибини ва умумияшар қоидаларини бузганлиги учун огоҳлантирилди.

Қамоқдан бўшаб келган, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 44 нафар киши иш билан таъминланиб, яшаш шароитларини яхшилашга ёрдам кўрсатилди. Милиция эътиборида бўлмаган, илгари судланган 22 та шахс аниқланди.

Шунингдек, тадбир давомида турли хил тартиббузарликлар учун 308 та маъмурий баенномалар тузилди, 10 та муқаддам судланган шахс маъмурий назоратга олинди, ИИБ идоралари ходимлари томонидан қидирилаётган 6 нафар шахс ушланди.

Тадбир даврида Учқўргон тумани, Қўғай давлат ҳўжалигида яшовчи М. Тоировнинг ўғирланган 3 бош қорамоли топилди. Ўғри Жалолобод вилояти Навкент туманининг Қўчқорота қишлоғида М. Мусаев экан.

Янгйўргон тумани, Исковот қишлоғида истиқомат қилувчи Ш. Йўлдошевнинг 6 миллион сўмлик ўғирланган оти ҳам топилиб, эгасига қайтарилди.

Тадбир пухта режа асосида ўтказилгани яхши самара кўрсатди.

М. ТИЛЛАЕВ.

Саҳифада:

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

“ОҚИБАТЛИ” ҚЎШНИЛАР

НАМАНГАН туманининг Шўркўргон қишлоғида яшовчи Отахон Қосимов янги қурилган уйига пол қоқиш учун тахта ва тўсин олиб келганди.

Кунларнинг бирида О. Қосимов уйига келиб қараса, тахта ва тўсинлар йўқ. “Эга”лари олиб кетишибди. Ички ишлар ходимларининг тезкор тадбирлари туфайли еғоч ўғрилари ушланди. Улар қимлар дейсизми?! Отахон Қосимовнинг қўшнилари ака-ука Фахриддин ва Бахриддин Камоловлар экан. Улар тахта ва еғочларни сотиб юборишибди.

ВИЛОЯТИМИЗДА одамлар тинчлигини бузиб, уларнинг, шунингдек айрим ташилотларнинг мол-мулкларини ўғирлаш, босиб олиш билан кун ўтказиб келган уюшган жиноятчилар тўдаси қўлга олинди. 12 кишилик бу тўдага илгари судланган бўлишига қарамай кўзи очилмаган Рустам Мамажонов бошчилиқ қилган. Тезкор тергов ва қидирув гуруҳлари ана шу тўданинг қилмиш-қидирмишларини тўла аниқладилар.

Рустам жиноят кўчасига яқин, “тажриба” ортирганлардан. Бел оғритмай осон йўللар билан пул топишни ўйлаб ўзига ўхшаган бир қанча бекорчиларни ишга солди. Наманган шаҳар, Шохмардон кўчасидаги 16-уйда яшовчи Иномжон Абдурахмонов ҳам ана шу тўдага қўшилди. У 24 ёшга тўлган бўлса-да, бирор жойда елчитиб ишламади. Ўғирликни ўзига касб қилиб, кўпплаб одамларнинг лаънати қарғишини эшитди. Бунга мисоллар кўп, биз уларнинг айримларининггина ёзмақчимиз ҳолос.

Шундай қилиб десангиз, Ином ўғри қиш кунларининг бирида Наманган туманидаги Ирвадон қишлоғида тунги “ов”ни бошлади. Халимбой Жалиловнинг ҳовлисида кириб, молхонасидаги уч ёшли қорамолини олиб қочди. Орадан бир кун ўтказиб, ўша молни Тўрақўргондаги Шохидон мол бозорида сотиб юборди. Ўғрига пул керак-да, мол боқармиди.

Совет туманида яшовчи Анваржон Насриддинов ўша ўғрилари дастидан озор чекди. Унинг уйдаги “Стенка” гарнитурни, палоси, кўрпача, ёстиқлари, ҳатто газ плитаси, икки дона креслоси, ошхона идишлари йўқолди.

Жиноий тўданинг бир неча аъзоси ўзаро тил бириктиришиб, олдиндан келишилган ҳолда Наманган

туманидаги “Қурувчи” кичик корхонасига келишди. Бу ерда Абдуҳамид Боқибоев электр токнини узди. Ҳаммаёқ қоронғулашган, Рустам Мамажонов, Ином Абдурахмонов ва Абдуҳамид Боқиевлар юзларига никоб кийишиб, қоровулхонага киришди ва ўша кунги наватчилар Рустам Ортиқов билан Жамолитдин Абдусаматовларни кўрқитишиб, оёқларини боғлаб бошқа хонага олиб чиқибди. Ўғрилари оморхона эшигини

ЖАЗОЛАРИНИ ТОРТМОҚДАЛАР

бузиб, кўзларига кўринган нарсаларни ўз ихтиёрларида бўлган 68-40 НАП давлат белгилли автомашинага юклашиб-ю, жуфтакни ростлашди. Ўғирланган мол-мулкнинг ҳаммаси 2 миллион сўмликдан ошиб кетди. Мазкур жиноий ишни Ином ўғри ўйлаб топган эди.

“Ўрганган кўнгил ўртанса қўймае” деганларидек, уюшган ўғрилари кечаси Абдураим Маматовлиев деган шахснинг яхши ниятлар билан боқаётган катта новвосини етаклаб кетдилар.

Қўлга тушмаётганликларидан ўзларида йўқ шод Ином ўғри, Владимир Йўлдошев ва Тоҳир Абдуразақовлар Наманган тумани ўрамадаги “Зилот сув” фирмасини нишонга олишди. Фирма директори хонасидан салкам 500 минг

сўмлик ҳар хил буюмларни олиб кетишди.

Кунларнинг бирида Рустамбойнинг доно маслаҳатларини эшитиб тўдадаги уч ўғри Совет туманига йўл олишди. 1-кичик тумандаги 35-уйнинг 11-хонадонидан яшовчи М. Сатторовнинг уйига эшикни бузиб киришди, электр иситгич, иккита палос, озиқ-овқат маҳсулотлари, заём ўғриларига насиб этди.

Кейин ўғрилари тун ярмида Назира

телевизорини олиб кетишди. Навбатдаги ўғирликни Нуробод кўргонидидаги еғочни қайта ишлаш корхонасига қарашли ёрдамчи ҳўжаликда содир этдилар. Бу ердан кечаси бир бош снгир ва бир бош новвосни етаклаб кетишди.

Совет туманидаги 27-уйида турган “Минск” мотоциклини кўрди-ю, Иномнинг тинчи йўқолди. Кечаси Тоҳирни ёнига олиб йўлга тушди ва ўша мотоциклини миниб қайтдилар. Аммо манзилга етиб боришолмади. Улар ДАН бўлинимаси ходимларининг қўлига тушдилар.

Ином ўғри бошчилигида Ж. Мираҳмедов, В. Йўлдошев, И. Қўшоқов ва Ш. Пўлатовлар Наманган туманидаги Ирвадонбўлоқ қишлоғида пайдо бўлишди. Маҳаллаларини айланиб Абдухалил Ҳайдаров ҳовлисида боқилаётган қўйлар борлигини аниқлашди. Кечаси ўша жойга бориб, қўйхона деворини кўча томондан тешиб, ичкарига киришди. Қўйлар маърашани эшитган уй эгалари Абдухалил ва Абдуазиз ҳовлига чиқибди. Ўғрилари уларга тан жароҳати етказишларини айтиб кўрқитиб, 10 бош қўйни олиб қочдилар. Очқидан очқик талончилик билан қўлга киритилган қўйлар имми-жанида тинчтилди. Аммо милиция ходимлари қўйларнинг сўйилган гўшт-ёғларини қаерга яширилганини топишди. Уюшган тўдадаги ўғриларнинг айблари бўйинларига қўйилди.

“Қилмиш-қидирмиш” деганларидек, ўғрилари қилмишларига яраша жазоларини тортмоқдалар.

И. КАРИМОВ, Х. МАМАЖОНОВ, милиция майорлари.

УЛУҒ БОБОКАЛОНИМИЗ бўлиш Захириддин Мухаммад Бобур юрти — гўзал Андижон қадимдан хунармандларга бой ўлка. Бозор муносабати ривожлангани сари иш-билармонлик ва табиркорлик қатори хунармандчиликни

катталарнинг вазифамиздир,— дейди ўз сўзида шахрихонлик мисгар уста Абдурахмон тоға Абдуллаев.

— Мен ҳам барча хунаранд усталар қатори меҳнат бўлими билан шартнома тузиб, ўз хунаримни ешларга

учун асқотишига қомил ишончим бор.

— Мен эса,— дейди Андижон шахридаги тикувчилик бўйича устоз Раънохон Султонова,— азал-азалдан хотин-қизларимизнинг сеvimли касби бўлиб келган тикувчилик касбига қизларни ўргатиб келмоқдаман. Аёл ҳар томонлама гўзал бўлмоғи керак, шу билан бирга хунарни ҳам бўлиши керак. Мана, бир қанча қизларимиз мустақил тикувчи бўлиб қолишди, ишонаманки, қизларим тикаётган кўйлақлар аёлларимизни ҳар томонлама гўзал қилади.

Анжуман қатнашчилари иккинчи кун Андижон, Пахтабод, Қўргонтепа, Булоқбоши, Хўжабод ва Жалолқудук туманлари меҳнат бўлимларининг бу борада олиб бораётган ишлари билан танишиб чиқдилар.

Анжуман сўнгида республика Меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари О. Обидов нутқ сўзлади. У ўз сўзида вилоятда олиб борилаётган бу ишларни республика миқёсида оммалаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Маълумотларга таянадиган бўлсак, вилоятда хунарамандчиликнинг 47 тури мавжуд бўлиб, унда 634 уста 1956 нафар шогирдларга ўз хунарларини ўргатиб келмоқда. Бу албатта, энг аввало, ота-боболаримиздан қолган хунарларнинг ҳеч қачон ўлмаслигидан дарак бўлса, иккинчидан ешларни фойдали меҳнат билан доимий таъминлашга асос бўлади. Бундан эса нафақат ешлар манфаатдор, балки мустақил республикамизнинг ерқин келажаги йўлида ҳам ойдин кадамлар қўйилган бўлади.

Ж. МАТМУСАЕВА,
Андижон вилоят ҳокимлиги меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармасининг мутахассиси.

ХУНАР — РИЗКНИНГ УНУМИ

ўрганишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам республика Меҳнат вазирлиги Андижон вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Ўрта мактабни битириб, иш ва ўқиш билан банд бўлмаган ешларни хунарамандчиликка жалб қилиш» бўйича кўргазмали семинар ташкил этди.

Семинарда вилоятлар меҳнат бошқармаларининг раҳбарлари, Андижон вилояти шаҳар ва туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, меҳнат бўлимларининг бошлиқлари ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари О. Обидов раҳбарлигидаги вазирлик ходимлари иштирок этдилар. Анжуман қатнашчилари аввало вилоят ҳокимлиги биносининг фойесига «Уста-шогирд» услубида тайёрланган маҳсулот намуналаридан ташкил топган кўргазмани томоша қилдилар. Кўргазма меҳмонлар қалбидан чуқур ўрин олди.

— Ҳозир ешлар ўртасида жиноятчилик кўп учраб турибди. Уларни тўғри йўлга солиш, жамиятимизнинг фойдали фарзандига айлантириш биз

ўргатмоқдаман. Шогирдларим бу хунарни жон-дили билан ўрганиб келмоқдалар. Мен бу билан фахрланаман.

Тоға тўғри гапни айтди, ота-боболаримиздан қолган хунарларни ешларга ўргатиш ҳам қарз, ҳам фарз. Андижон вилоят ҳокимлиги меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бу ишнинг ташаббускори бўлиб чиқди, чунки ўрта мактабни битириб на ишга, на ўқишга қира олмаган ешлар бекор юриб қолмоқдалар. Бекорчилик эса инсоннинг ашаддий душмани. Аввалига бошқарма ходимлари шаҳар ва туман меҳнат бўлимлари билан биргаликда хунарамандлар билан ўзаро маслаҳатлашиб, сўнгра хунари ўрганмоқчи бўлган ешларни ота-оналарининг розилиги билан ўзлари қизиққан хунарларига жалб этдилар. Тузилган шартнома асосида хунари ўргатаётган устага маош, шогирдга эса стипендия берилади.

— Хунарни киши ҳеч қачон хор бўлмайди,— деб сўз олди пахтабодлик уста кулол Кутбиддин Турдиев.— Ҳақиқатдан ҳам ешларни нопок йўللardan қайтариш керак. Кулолчилик хунаримнинг ешлар

воқеага бир қадар аниқлик киритди. Ҳар ҳолда қотиллик босқинчилик ниятида содир этилмаган эди. Изқуварларнинг бошлари қотди.

Воқеага ўша кун милицияхонага ўзини йўқотган ҳолда келган бир жувон янада аниқлик киритди. Унинг гапи бўйича қотиллик қуйидаги тарзда юз берган:

БИР ЖУВОННИНГ ҚИЛМИШИ

Кечки пайт ушбу воқеани хикоя қилган жувон — Зоя (исм ўзгартирилган) дугонаси Ира билан унинг таниши бўлиш, Қўйлик мавзесида яшовчи Рафаэлнинг уйига келишди. Албатта, учаласининг ҳам ҳаётини ҳавас қилишга арзғулик жойи йўқ эди. Зоя яшайдиган жойи тайинсиз, Ира муқаддам икки марта судланиб чиққан. Рафаэл эса ёши эллиқдан ўтиб қолганига қарамай яқка ўзи яшар, уйига тез-тез ҳар хил жувонларни олиб келиб турарди.

Шундай қилиб, улар учаласи анча маҳалгача ичишиб, чакчақлашиб ўтиришди. Аммо, кўп ҳолларда ичкиликбозлик аралашган ерда содир бўладигандек, бунда ҳам кимнингдир бир оғиз гапи билан суҳбат мавзуси ўзгариб кетди. Рафаэл Ирани ўғирликда айбалай бошлади. Ошхонада ўтиришганди, улар иккиси айтишиб хонага чиқишди. Зоя уларнинг ораларида кейин нималар кечди, беҳабар қолди, бироқ Ира чопиб чиқиб, пичоқни олиб «уни ўлдирман» деб кириб кетганида хушёр тортиди. Орқасидан борди. Ичкарида улар иккаласи карнизнинг иккала учидан ушлаб олган, Рафаэл аёлнинг қўлидаги пичоқни олишга ҳаракат қиларди. Зоянинг кўркувдан ўтакаси ерилаёзди.

Орқага қайтди. Орадан озрок вақт ўтгач, уни дугонаси қақирди:

— Буюкка кел, уни ўлдирдим.

Жувон яна қайтиб уйга кирган чоғда юзидан қони қолмаган Рафаэл гурсиллаб полга йиқилди.

— Агар сендан сўрасан, у Иранинг номусига тегмоқчи бўлди, дугонам ўзини ҳимоя қилди дейсан,— уқтирди қўлида кип-қизил қонга беланган

пичоқни ушлаб турган жувон.

Зоя кўрқиб кетди ва кўчага қочиб чиқиб буталар орасига яширинди. Ира унинг орқасидан бориб, қоронғуда роса қидирди. Тополмагач, кўздан гойиб бўлди.

Қотилликда айбланаётган Ира Ивановани қидириш ишлари бошлаб юборилди.

Аёллардан жиноятчи чиқса хавфли бўлар экан, чунки уларга ўзларининг табиий айерликлари ҳам ердан беради-да. Милиция жувонни роса уч ой қидирди, у худди сувга синггандек гойиб бўлган эди.

Эрта баҳор кунларининг бирида Зоя ўз дугонасининг уйида ўтирганди. Эшик тақиллаб қолди. Бориб очдию қаршисида турган Ирани кўриб ўзини йўқотиб қўяёзди, Ира эса ҳеч нарсаси бўлмагандек, бамайлихотир эди ва тақлиф қилиб қолди:— Юр, вино ичиб келамиз.

Зояни нима мақсадда орқасидан эргашгани биз учун қоронғу. Аммо шунча гап-сўзу воқеадан кейин ўзини сал тугиб олса, кўзини каттароқ очса бўларди. Бироқ бундай қилмади ва ўзининг мазкур енгилтақлиги билан ҳаёти баробар қимматга тушишига оз қолди. Бундай пайтда халқимиз «Худога бир айтгани бор экан» дейишади.

Хуллас, иккаласи яна Қўйликка боришди. Дўқондан бир



Умуман олганда ички ишлар идоралари ходимларининг муваффақиятли хизмат қилиши кўп жиҳатдан телефончи-операторнинг аниқ ва бир маромда ишлашига ҳам боғлиқ.

Суратда: Самарқанд вилоят ИИБ телефончи-оператори Саломат Мамедова деярли ўн йилдан буён ана шу вазифада хизмат қилади. Милиция майори С. ЗОҲИДОВ суратга олган.

ДАН ходимлари ҳаётидан ИСКЕНДЕРНИНГ ХУШЁРЛИГИ

ТОҒ. СОАТ эндигина олтидан ошганди. Катта тезликда келаётган «Москвич-412» русумли, Е 06-76 КП давлат белгилли автомашина туман ДАН ИПХ инспектори, милиция старшинаси Искендер Қаландаровнинг эътиборини тортиди. У машинани тўхтатиб, ҳайдовчининг ҳужжатларини текшира бошлади. Аммо машина ичида ўтирган йўловчилар нимадандир безовталанди. Йўловчиларнинг бу хатти-ҳаракати ИПХ инспекторида шубҳа уйғотди.

Машина текшириб кўрилганда 1 килограмм 210 грамм гиёҳванд модда (банг) борлиги аниқланди.

Йўловчилар Мирбек Холбоев ҳамда Сергей Миновичлар ҳеч қандай ишламасдан гиёҳвандлик билан шуғулланмоқчи бўлишган. Йиллари судланган бу икки кимса устидан жиноий иш қўзғатилди...

1990 йилдан буён сидқидилдан

хизмат қилиб келаётган туман ДАН ИПХ инспектори, милиция старшинаси Искендер Қаландаров ҳаётида бундай воқеалар кўп бўлган. У бир неча ўнлаб йўл-транспорт қоидаларини қўпол равишда бузётган, маст ҳолда транспорт бошқараётган ҳайдовчиларни ўз вақтида тўхтатиб, хавфли ҳодисаларнинг олдини олишга ўзининг ҳиссасини қўшган ва қўшиб келмоқда. Искендер ўзининг хушёрлиги, хизмат бурчиға сидқидилдан ёндошаётганлиги ҳамда дўстларига, атрофидагиларга ширинсуханлиги туфайли ҳамкасблари орасида ҳурмат-эътибор қозонди.

Бахтиёр БОТИРОВ,
Беруний туман ИИБ ДАН бўлини маси бошлиғи, милиция майори.

ростлаб қолди.

Кейинроқ терговда кўргазма бера туриб у бу ҳаракатларини тан олмади. Зояни ўлдирганини ҳаёлига ҳам келтирмаганини айтиб, фақат кўрсатмасини ўзгартиришга мажбурлаганини таъкидлади.

— Эски бир латтани олиб чиқиб ёқувдим, Зоя бунақа қилмаслигимни ўтиниби сўради, шунинг учун ҳам уни ўчириб, хонадондан чиқиб кетдим,— деди у судда.— Рафаэлни эса ўзимни ҳимоя қилиб пичоқладим.

Ишқилиб, нима бўлишига, кейинчалик нима дейилишига қарамай, Ира чиқиб кетгандан сўнг Зоя апил-тапил оловни ўчирди. У кўп қон йўқотиб, ҳолсизланиб қолганди. Бунинг устига, хона тутунга тўлган, дим эмасми, бир амаллаб эшикни очиб ташқарига — пиллапоя майдончасига чиқиб, хушидан кетиб йиқилди.

Ўт ўчирувчилар ва «тез ердан»ни қўшнилар қақиритди. Зоянинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Милиция Ирани уч ойдан буён қидирмоқда эди. Ниҳоят, худди ўша — Зояни пичоқлаган кунни бир танишиникидан уст-боши қон, маст ҳолда тутишди. Шу пайтгача унинг икки нафар фарзанди бор эди. Жазодан қочиб юрган пайтларида яна биттасини орттирди. Хўш, уч боланинг онаси бўлиш бу аёлнинг қилмишини қандай баҳолаш мумкин? Ўғирлик қилиб қўлга тушганида, эҳтимол, «Болаларини шу йўл билан бормоқчи бўлгандир», деган уйга борарди киши. Албатта, ўғирликни ҳам оқлаб бўлмайди, у нима ниятда содир этилишидан қатъий назар, аммо шундай ўй билан киши ўзига озрок тасалли бермоқчи бўларди-да. Иранинг қилганлари эса...

Сирғали туман суди Ирани 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Маҳаматқарим СУННАТЎЛИЕВ,
Сирғали туман прокурори ўринбосари.

Исмоил ШОМУРОДОВ,
журналист.

АҚШ: "ҚОЙДАЛАР"ТА АСОСЛАНИБ ЎҚ ОТИЛАДИ

ВАШИНГТОН полицияси АҚШда мавжуд бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизimini яққол тавсифлаб беради. 1993 йил сентябрида доир маълумотларга қараганда Вашингтон полиция бошқармасида 4200 ходим бор, яъни ҳар 1 минг фуқарога 7,3 полициячи тўғри келган.

Пойтахт полицияси ходимлари оладиган иш ҳақи лавозим маошидан, шунингдек хизмат қилинган йилларга қараб туланидиган устамадан иборат. Бунда лавозимлар жадвали ҳар бир тоифасининг ичида разрядлар бўлиниб боради. Қуйида полиция ходимларининг ҳар бир тоифаси учун (разрядлар ва хизмат қилинган йилларни ҳисобга олганда) иш ҳақининг ўртача йиллик даражаси келтирилади (1993 йил октябридаги маълумот).

Оддий полициячи — 34897, биринчи даражали детектив — 35897, детектив — 41399, сержант — 43821, лейтенант — 45320, капитан — 51917, инспектор — 60658, полиция бошлигининг ўринбосари — 73116, полиция бошлигининг ерданчиси — 83117, полиция бошлиғи — 88544 доллар олади.

Йўриқномага асосан, полиция ходими хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган бўлса, ходим қарамоғидagi ворисга 50 минг доллар миқдордаги тоов пули туланиши керак. Полициячининг беваеси эри олиб турган асосий маоши еки нафақанинг 40 фоизи миқдорда нафақа олади. Бундай нафақа унга умрбод туланади. Полиция ходимининг ҳар бир фарзанди, агар мерос олиш ҳуқуқи эга бўлса, ота вафот этган тақдирда асосий иш ҳақининг еки нафақанинг 60 фоизи миқдорда нафақа олади.

Лекин фақат полициячилар ҳалок бўлишмапти.

Полиция ходими томонидан ўқотар қурол ишлатилиши ҳақидаги масала "Колумбия округининг муниципал қойдалари" томонидан тартибга солинадиган, уларда, жумладан, шундай дейилади: у "барча ҳолларда унинг томонидан ўз вазифасини бажариш учун зарур бўлган кучни энг кам миқдорда ишлатиши керак ҳамда ўқотар қуролдан фойдаланишдан олдин огоҳлантириши еки мудофанинг барча бошқа оқилона воситаларидан фойдаланиши шарт". Қуйидаги

АВВАЛО ИТАЛИЯДА маъмурий полиция тушунчаси мавжуд. Моҳиятан олганда, ана шу муҳим давлат маҳкамасининг бутун фаолияти жамиятда кўпдан-кўп маъмурий-ҳуқуқий меъерларни бузишларнинг олдини олишга қаратилган. Ушбу вазифадан келиб чиқиб, маъмурий полиция учта асосий вазифани — назорат қилиш, огоҳлантириш ва жазолаш функцияларини бажаради.

Ўз моҳиятига кўра бюрократик идора бўлган маъмурий полиция ҳужжатбозлик билан шугулланишни эътиради, турли-туман кўрсатмалар, қарорлар, регламент ва фармойишларни ижод қилади. Бунда барча бюрократик тартиботларга хос бўлган, бизга жуда ҳам таниш ноҳус хусусиятлар намоён бўлади. Бироқ италяндлар бунга қўниқмаган, улар акс ҳолда мамлакатда бошбошдоқлик ҳукм суришини яхши тушунадилар.

Маъмурий полиция таркибига кирадиган баъзи тузилмаларни санаб ўтамиз. Булар — санитария полицияси, ветеринария хизмати, ўрмон муҳофазаси, порт назорати, чегара хизмати ва албатта, йўл полицияси. Апеннин ярим оролида йўл полицияси ҳам худди бизнинг ДАН сингари жуда машҳур.

Маъмурий полициянинг энг муҳим таркибий қисми, шубҳасиз, жамоат хавфсизлиги кучлари, бошқача айтганда, сўзининг ўз маъносиди олганда полициядир. Жамоат тартибини бевоисита таъминлаш, фуқаролар ва давлатни жиноятчи унсурлардан ҳимоя қилиш аини унинг вазифаларига киради. Хавфсизлик кучларига умумий раҳбарликни вазир бошчилигидаги Италия Ички ишлар вазирлиги амалга оширади. Вазир ички ишлар идораларининг профессионал ходими эмас, балки ана шу давлат лавозимига ўз партияси юборган сиёсатчидир.

Лекин вазир, маълумки, ўз вақтининг кўп қисмини Римда ўтказади. Жойларда эса

ҳолларни мустасно этганда, қуролни ишлатиш тақиқланади.

— полиция ходимида ҳужум қилиш натижасида ўлим еки танага жиддий шикаст етказилиши мумкинлигига асосли сабаблар бўлса, бундай ҳолларда ўзини ўзи мудофаа қилишда еки бошқа кишини ҳужумдан

ҳимоя қилиш учун; — қамоққа олиш еки қочишга уринишга барҳам беришга доир ҳамма уринишлар самарасиз бўлганда, қамоққа олиш ехуд қочишга уринишнинг олдини олиш пайтида;

— полиция зобитининг кўз ўнгидида оғир жиноят содир этган еки шунга ҳаракат қилган шахсга нисбатан, еки агар полициячида у туғмоққа ҳаракат қилган шахс жиноят содир этганини хусусида салмоқли асослар бўлганда.

"Кишиларга ўқ отиш жиноятдир, лекин у қонунга мувофиқ отилганлиги исботланган ҳоллар бундан мустасно, — деб давом этилади ҳужжатда. — Агар полициячи қўрқанидан, ғазабдан еки нияти бузилганлиги сабабли бошқа кишига ўқ отса, уни жароҳатласа еки ўлдирса, бундай полициячи нафақат қонунни, балки ичган қасамини ҳам бузганлиги учун айбдор деб эътироф этилади". Хизматга доир текширув ўтказилганидан сўнг полициячи томонидан қурол ишлатилгани хусусидаги ҳар қандай иш Қасамед қилган маслаҳатчиларнинг катта ҳайъати судида кўриб чиқилади, ҳайъат уни судга бериш еки ишни тўхтатиш ҳақидаги масалани ҳал қилади. Агар суд қурол ишлатиш сабабларини асосиз деб ҳисобласа ва уни айбдор деб топса, полиция ходими содир этган жинояти учун қонунга мувофиқ жазоланади.

Айни вақтда полициячини қасддан ўлдирганлиги учун бериладиган жазо Колумбия округида ҳам, умуман АҚШда ҳам, фуқароларни ўлдирганлик учун бериладиган жазодан анча каттиқ. Қонунга кўра бундай жиноятни содир этган киши е умрбод қамоққа ҳукм қилинади еки қатл этилади.

ЯПОНИЯ: "АТИГИ 5 ДАҚИҚА КУТСАНГИЗ"

ЯПОНИЯ кўчаларида полициячи — ҳокимиятнинг тўлақонли вакилидир. У хушмуомала, сертакаллурф, лекин тартиббузарларга нисбатан қаттиққўл ва мурасим, қонун доирасида ҳамма нарсага кучи етишига унинг ишончи қомил.

Японча "қобан" деб аталадиган мўъжаз полиция участкалари будкаларни муболағасиз япон полицияси бутун тузилмасининг негизи дейиш мумкин. Мамлакат бўйича 1,5 мингдан зиёд бўлган ана шу таянч пунктларида полициячилар тиним билмай хизмат қиладилар. Полиция будкалари орасида тартиб посбонларнинг патруллари кезиб юради, бамисоли бутун мамлакат полиция бўлиналарининг тўри билан кечаю кундуз давомида ўраб олингандек туюлади. Ноеб "қобан"лар тизими маҳаллий полициячининг уйи таянч пункти ҳисобланадиган кишлоқ жойлари ва кичик шаҳарларда айниқса эътиборга лойиқ. Бу уй, одатда, икки қисмдан: полициячининг оиласи истиқомат қиладиган уйнинг ўзи ва у хизматини давом эттирадиган офисдан иборат. Ишни ана шундай ташкил этиш туфайли полициячи амалда кечаю кундуз ўз постидан нари кетмайди. Бунинг устига, "қобан" — тартиб сақлаш пунктига эмас, балки ўзига хос "маълумотномалар бюроси" ҳамдир, йўловчилар қандай қилиб энг қисқа йўл билан ўзларига зарур бўлган манзилгоҳга боришлари хусусида унга доимий равишда мурожаат қиладилар. Қонунга кўра полициячилар фуқароларга ана шундай ердан кўрсатишга мажбурдилар, кишилар ҳам ўзларининг ана шу ҳуқуқларидан кенг миқёсда фойдаланадилар. Япония аҳолиси ўзларининг барча муаммолари билан туғридан-туғри полицияга мурожаат қилишга алдақачон одатланишган, агар бирорта масала полициянинг ваколати доирасидан ташқарида бўлса, у қаерга мурожаат қилиш кераклигини албатта айтади. Ана шу маънода япон полициясини ишонч билан чинакамига халқ полицияси

деб аташ мумкин.

Албатта, фақат ўз "қобан"ларигагина таянганда ва ҳаракатчан патруллarga эга бўлмаганида япон полицияси ҳаддан ташқари сустваш ва имиллаб ишларди. Ихтиёрида 22 минг транспорт воситаси, шу жумладан 5 минг патруль автомобилли, салкам 3 мингта қудратли "Хонда" мотоцикли, тахминан 2,5 минг юк машинаси мавжудлиги полициянинг ғоятда ҳаракатчан бўлишини таъминлайди. Бундан ташқари, япон полициясининг ғоятда мураккаб вазифаларини бажаришда унга тегишли 60 вертолёт ва салкам 200 катер ва моторли қайиқ ердан бермокда.

Ўз берган воқеа ҳақидаги хабарни олгандан сўнг ўртача 5 дақиқаю 30 сониядан сўнг воқеа жойига етиб келадиган япон полицияси ғоятда тезкор фаолиятининг сири, эҳтимол, унинг техника жиҳатидан пухта соналганлиги ва "қобан"лар тизимида бўлса керак. Қонун бузувчиларни ушлаш фонзининг юқорилигини ҳам япон полициясининг яшин тезлигида муносабат билдириши билан боғлайдилар.

Полиция хизматчилари касбий лаёқатининг юқорилиги унинг ана шу вазифаларни бажариши учун кафолатдир. Полиция хизматига кирган ҳар бир янги ходим, қайси хизмат турига мансублигидан қатъи назар, касбий тайёргарликдан ўтади. Лекин бундан аввалроқ полициячи бўлишга номзод киши махсус имтиҳондан ўтиши керак, унда полициячи бўлиш учун зарур муайян ҳислатларнинг бор-йўқлигини текшириш ана шу имтиҳоннинг таркибий қисми ҳисобланади.

Япон полициячиси нафақат жисмонан кучли бўлади, қонун унга жуда катта ҳуқуқий куч ҳам бериб қўйган. Полиция хизматчиси озгина шубҳаланган тақдирда, миллатидан қатъи назар, исталган йўловчини тўхтатиш ва ундан ўзининг ҳар қандай саволига жавоб беришини талаб қилиш, ҳатто шу киши қаерга кетаятганлиги портфелида нима борлигини билиш ҳуқуқиға эгадир. Агар полициячиға шубҳали бўлиб туюлган фуқаро саволларга жавоб беришдан бўйин товласа, тартиб посбони уни ушлаш ва вақтинча ҳибсга олиш ҳуқуқиға эга. Агар кейинчалик фуқаронинг бегуноҳлиги аниқланса, у судда ўзига етказилган маънавий, жисмоний еки моддий зарар етказганлиги учун полициячиға қарши иш қўзғатиши мумкин. Лекин, одатда, бундай воқеалар кам бўлади. Кишилар полиция билан орқикча боғланмаслики афзал кўрадилар е унинг вазифалари ўзига хослигини яхши тушунадилар ехуд ҳокимият идоралари билан ҳадеб муносабатда бўлавериши хохламайдилар.

Вячеслав БАНТИН (Токио).

ҳатто префект бера олмайди. Жумладан, оммавий намоийишларни ўтказиш тартибини белгилаш унинг фақат ўзига тегишли ваколатлар доирасига киради. Намоийиш ташкилотчилари олдиндан квесторга ариза беришлари керак. Унинг бир ўзи ана шу тадбирни ўтказиш вақти ва жойини белгилаб бериши еки жамоат тартибини сақлаш заруратиға, шунингдек маънавий-ахлоқий, санитария ва бошқа мулоҳазаларга асосланиб, уни тақиқлаш мумкин.

Миллий даражада эса жамоат хавфсизлиги тизими учта базавий тузилмадан: Давлат полицияси, Карабинер қўшин қисмлари ва Молия гвардиясидан иборат. Бевоисита ички ишлар вазирига бўйсунадиган Жамоат хавфсизлиги бошқармаси ана шу кучларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Шу нарсга жуда муҳимки, қонун бўйича полиция дискрецион ҳокимиятга, яъни давлат маъмуриятининг бошқа барча маҳкамаларидан каттароқ ҳокимиятга эга. Жамоат хавфсизлиги идоралари муайян шароитда (масалан, фавқулодда ҳолатда) ўзлари хоҳлагандек ҳаракат қилиши мумкин. Шу билан бирга, дискрецион ҳокимият мутлақ ҳокимият эмас ва у қонун моддалари билан чекланади.

Полиция турли жамоат тартиботлари ва фуқароларнинг тоифаларига ишонч даражасини кўрсатуви жадвалда қатъий тарзда биринчи ўринни эгаллаб келмокда: еш италяндларнинг 77,7 фоизи унга ишонади. Касаба уюшмалари (19,3 фоиз), давлат амалдорлари (15,3 фоиз), ҳукумат (13,3 фоиз) ва сиёсатчиларга (4,6 фоиз) ишонувчилар эса анча кам. Ёшларнинг тез ишонувчанлигини ҳисобга олганда ҳам, Италия жамиятида полиция ҳам, карабинерлар ҳам катта обрўга эга деган хулосага келиш мумкин.

Сергей СТАРЦЕВ (Рим).
Русчадан ("Неделя").

ПЛАБРУК- ЛАЙМИЗ

Бухоро вилояти ИИБ ДАН бўлими ходими; акампз — милиция катта лейтенанти Асрор Ахрорович СУЛТОНОВНИ 4 июль — таваллуд топган кунлари билан муборакбод этампз.

Шу кутлуг кунда Сизга узок умр, сикҳат-саломатлик, оғир ва шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилампз.

Эҳтиром ила синглингиз Фариди,
жиянингиз Гулмира, куёвингиз
Улугбек.



Жиноят кидирув Бош бошқармасининг катта тезкор вакили, милиция подполковниги Бегмат Ашурович СОБИРОВНИ табаррук 45 ешга тулганлиги муносабати билан чин дилдан табриклаймпз. Унга сикҳат-саломатлик, ишларида омад, оиласида доим бахт-саодат бўлишини тилампз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Жиноят кидирув Бош
бошқармасининг
шахсий таркиби.

САВДОЛИ САВДОЛАР

МАЪЛУМКИ, кўплаб жиноятлар спиртли ичимлик ичган еки гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилган ҳолда содир бўлмокда. Бухоро вилоятида 1994 йилнинг 1-чорагида гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган 45 жиноят ҳисобга олинди. Кишилар гиёҳвандлик моддаларини уйда сақлаш ва сотиш жамиятимиз равнақи учун, инсонлар ҳаёти учун қанчалик хавфли эканлигини, шунинг билан бир қаторда, таркибиди гиёҳвандлик моддалари бор экинларни екиб, уларни уйда сақлаш ва сотиш билан шугулланмокдалар.

Қ. Ражабов ҳали еш, эндигона 27 ешга кирган. Фойдали меҳнат қилиш унинг учун ет нарсга. Шу сабабли ҳам ентил-елпи ҳаёт кечирини йўлларини излайди. У бойлик орттирини мақсадида 20 гугурт қутисиди гиёҳванд моддани О. Ҳамидовга 240 минг сўмга сотди. О. Ҳамидов ҳам ўз навбатида устама нарҳда бу оғуни ўз жияни Н. Пировга пуллади. Н. Пиров эса янада кўпроқ фойда олишини кўзлаб, уни Россияга элтиб сотмокчи бўлди. Бироқ, ниятининг амалга ошишига милиция ходимлари йўл қўйишмади.

Мўмай даромад топиш мақсадида гиёҳвандлик моддаларини сотувчилар бошқа вилоятлардан, ҳатто бошқа республикалардан ўзларига ўхшаш нопок кимсаларни топиб, улар билан савдо-сотик қилишмади.

М. Ҳаққулов Қашқадаре вилоятининг Қамаша туманида яшайди. У бухоролик Р. Дупамовга 25 гугурт қути марихуанани пуллаган. Шунингдек, Сурхондаре вилоятининг Қумқўрғон туманида яшовчи У. Мўминов 290 грамм қорадорини Туркменистон республикасининг Тошхувуз вилоятига олиб ўтаётган пайтда Бухоро вилояти ҳудудида ДАН ходимлари томонидан ушланди. Оғуфурушлар устидан жиноий иш қўзғатилган.

Шухрат Қўлдошев,
милиция майори.

ПОЛИЦИЯДАН ҲАЙИҚИШАДИ, ЛЕКИН ЁРДАМГА ЧАҚИРИШАДИ

хавфсизлик полициясининг бутун фаолиятиға префект ва квесторлар раҳбарлик қиладилар. Улар ҳақида алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. Префект Италияда асосий ҳудудий-маъмурий бирлик бўлган вилоят даражасида ижроия ҳокимиятининг

ИТАЛИЯ: АКС ҲОЛДА БОШБОШДОҚЛИК ҲУКМ СУРАДИ

раҳбари ҳисобланади. Одатда бу лавозимга ИИВда хизмат қилган ходим тайинланади. Бу лавозимга у ички ишлар вазирининг шахсан тақдими билан ва ҳукумат билан келишилган ҳолда президент декрети асосида тайинланади. Бу тушунарли: префектнинг ваколатлари жуда ҳам кенг. У, масалан, вилоятдаги маъмурий ва суд ҳокимиятлари ваколатини ўз ҳокимияти билан чеклаши, шунингдек суд, ҳарбий ва темир йўл тузилмаларидан ташқари, барча тузилмаларни назорат қилиб бориши мумкин. Жамоат хавфсизлигининг барча кучларига олий раҳбарлик ҳам префектнинг ҳуқуқиға киради.

Квестор бевоисита префектга бўйсунди ва полицияга туғридан-туғри раҳбарликни амалга оширади. У бу борада шундай фармойишлар бериш ҳуқуқиға эгаки, уларни қонунга биноан

2

— ИККИНЧИ сериясини эшитинг, домла, — давом этди Жўракул ўз ҳикоясини. — У қисқагина.

Душанба куни Ҳайитов ишга келиши биланоқ телефондан навбатчининг овози эшитилди:

— Ўртоқ подполковник, виллоят улгуржи базасидан кишилар келишди, сизни сўрашапти.

“Улгуржи базадан... Бунга биз, темир йўл милициясининг қандай дахли бор?”

— Ўтказиб юбор.

Улар хонага кириб келишди — худди бўғирсоқни эслатувчи тўладан келган аёл ва баланд бўйли, озгин эркак, бошлиқ уларни ардоқли меҳмонлар каби кутиб олди, ўтиришга жой кўрсатди ва улар ўзаро ким биринчи гапириши тўғрисида баҳслашиб кетишди.

“Сиз бошланг”, — назокат билан таклиф қилди эркак. — “Йўқ, яхшиси сиз”, — аёл Шарқ хотин-қизларига хос бўлган камтарлик билан ўз галини унга тақдим этди. “Сиз гапириб берсангиз яхшироқ бўларди”, — қатъий оҳангда деди эркак, бундан Толиб Ҳайитович аялининг мансаби юқорида эканлигини ҳис этди. “Мен гапирсам гапира қолай”, — деди ниҳоят аёл ва бўлган воқеани ҳикоя қилиб берди.

— Одатда юк бекатда қабул қилиб олинарди. Лекин рельслар базанинг олдида келтирилганлиги ва жуда тақчил ҳисобланган мол олиб келингани учун вагонни тўғридан-тўғри базанинг олдида бўшатишга қарор қилишди. Айтилган сўз — отилган ўқ. Ҳали ҳеч нарсага қўл урмасданоқ нимадир ўз ўрнида эмаслигини сезишди: баъзи яшиқлар ўрнидан қўзғатилган, очилган, атрофи топталган. Илгари бундай ҳол юз бермаган эди. Бироқ довдираб қолишмади: эксперт қақирлиди, нуфузли комиссия иштирокчида молни вагондан тушира бошлашди, уни қайта-қайта ҳисоблашди.

— Хўш, қанча нарса етишмади? — қизиқди Ҳайитов.

— 73 килограмм ҳинд чойи. Олий навлиги.

— Қандай пачкаларда эди?

— 250 граммликда. Совғабоп қилиб ўралган.

— Тўқ яшил, фил сурати солинганими? — Толиб Ҳайитович кулимсиради.

— Зарҳал яшил рангли, филлари бор эди, тўғри. Нима, аллақачон кўрдингизми?

— Нима учун “кўрдим”? Уйимда шунақаси бор. Азиз меҳмонлар учун олиб қўйганман. Ишга бу шунчаки... Муқаддима. Ишга келсак, ўз айбонини эътироф этасизми? Тажрибали, савдода кўп йиллардан бери ишлаб келаётган ходимлар эканлигини кўриб турибман, бирдангина бундай ҳол бўлибди. Катта хато. Тартибни қўполдан-қўпол бузиш. Марҳамат қилиб айтингчи, гоёта қимматбаҳо 73 кило чой учун кимга даъво қила оласиз? Темир йўл идорасигами? Кечирасиз, вагон лозим тартибда қабул қилинган. Темир йўл соқчиларига, яъни бизларгами? Бунда ҳам шикоятга ўрин йўқ. Биз юкингни юзлаб ва минглаб километр масофада кўриқлаб келдик, эҳтиёт қилдик, етказиб олиб келдик...

— Ҳар қандай ўғирликда, ҳатто ҳаман ўғирлатганимизда ҳам милицияни ерданга қақирамиз, мулойимгина деди эркак. Айбдорлардек кўзини пирпиратди. — Шунга одатланиб қолганимиз.

— Бизга ердан беринг, — оҳиста овозда илтимос қилди аёл. — Ўғирларни тутинг, улар шу яқин атрофда юришибди, бизни тинч қўйишмайди. Биз айбдоримиз, жуда айбимиз, бунинг учун жавоб берамиз. Бизни шундоқ ҳам жазолашади. Жуда қаттиқ тарзда.

Подполковник жаҳлидан тунди.

— Кулфатингизга ҳамдард бўламан. Кулфатингизга, лекин айбонингизга эмас. Биргаликда қидирамиз.

Бир ўзи қолгач, у дераза енига келди, поезд гилдираklarининг

(Давоми.)

Боши 43-46 сонларда).

тақир-туқурини тинглади. Ўйга толди.

Жирканч иш: синдирганлар, пайхон қилганлар, нимага бунча шошилишчилик?

Қўлга тушмасликларига ишонганларми? 73 килограмм юк олинган. Бир киши учун кўплик қилади, гуруҳ бўлганда кўпроқ олиши мумкин эди.

Шунда Толиб Ҳайитович илк бор “каламуслар” деган таърифни тилга олди, сўнг у кенг урф бўлди.

Бу “каламуслар” кимлар ўзи? Улар қаердадир жуда яқинда изғимоқдалар.

Ҳайитов тез-тез юриб стол олдида қайтди, телефонга яқинлашди. Тезкор ишлар бўйича ўринбосари Сайдулло Шариповни, шошилиш ишлари бўлмаган барча ходимларни ўз хонасига таклиф қилди.

Маслаҳат қилинди.

билан таққослаб кўраман. Ҳозирча саволинга савол билан жавоб бермоқчиман. Эшит. Менинг уйимга яқин ерда бир аёл яшайди. Эри, болалари бор, ҳеч нарсдан камчилиги йўқ, ҳеч қайсисининг кийимдан, овқатдан зориққан жойи йўқ, ўзи эса икки ҳисса тўқ, чунки болалар боғчасида ишлайди ва болаларнинг овқатига шерик бўлади, яхши овқатланади. Ҳатто меъеридан ортиқ даражада. Энди менинг саволимни эшит. Нима нарсани уни болаларнинг насибасини ўғирлашга мажбур этади? Нима учун у ҳар куни товук гўшти, сариёғ, гречкани халтасига солиб уйига ташийдиган? Жавоб бериш учун шошилтирмайман. Бу сенга “уй вазифаси”. Бекатга етиб олгунингизга қадар зерикиб қолмаслигингиз учун мулоҳаза юритишга. Борақол. Муваффақият тилайман.

маслаҳат қилиб, шундай қарорга келдик: бу пальтолар нақладнойда йўқлиги сабабли уларни актда ҳам кўрсатиб ўтишнинг ҳожати йўқ. Бизга ортиқча ташвишнинг нима кераги бор? Яна саволингиз борми? Ҳозирча йўқ? Тушунаман... “Ҳозирча” сўзига епишиб олманг. Мен ҳамма саволларингизга жавоб бераман. Кейинроқ, ҳўпми?..

Кейин бўлса кейин-да. Темир йўл майдончасида ким фармойиш бериб турганини топишда ерданлашганига ҳам раҳмат. Бир неча дақиқадан сўнг ўша одам — Ислон Мавлонов билан суҳбатлашди.

— Айтингчи, Мавлонов, юкли контейнер бўшатилаётганида қаерда эдингиз?

— Мен... мен... бекатда эдим, — сал тутилиб жавоб берди Ислон. Йўқ, милиционердан кўрққанидан дудуқланиб қолгани йўқ — тасавурида ўринсиз бўлган ку-

Абдулла ИСМОИЛОВ

БУХОРОНИНГ АСИЛ ЙИГИТЛАРИ

(ҚИССА)

Яна ҳеч қандай аниқ бир нарса йўқ.

3

— УЧИНЧИ серия ҳикоямиз энг зерикарли қисм, — деб гап бошлади Жўракул. — Сабр қилиб эшитасиз, домла.

Бухорога Тошкентдан “Қизил тонг” фабрикасида тикилган, гоёта харидоригар хотин-қизлар пальтоси ортилган вагон келди. Яна бизга таниш ҳол: сиртидан қараганда вагонда ҳамма нарса жойидагидек, ичида эса етишмовчилик. 26 та пальто етишмайди.

Ҳайитов ўзида овчилик иш-тиёқини, якунингиз яқинлашиб қолганини ҳис этди. Каламушларнинг фаолияти жадаллашди. Бир чеккадан ҳамма нарсани ўмарошляпти.

“Қизил тонг” фабрикасига ўзининг асосий таянчи, майор Шариповни аниқ йўриқномалар билан жўнатди. Тезкор ходимни “Бухоро-2” бекатига юбориб, унга шундай деди:

— Жўракул, сен энг тажрибали ходимларимиздан бирсан, керак бўлганда иқир-чиқир нарсаларни ҳам очиб ташлай оласан, бу ишда иқир-чиқирлари борлигини сезяпман. Зарурат туғилганда қоғозларни синчиклаб кўришдан ҳам эринма. Асосий нарса эса — кишилар билан суҳбатлаш. Омбор мудири билан гаплаш, ҳозир Раҳимова ана шу ишда, вагон юкларини туширувчи кранчи билан, биз учун фойдали бўлган бирор нарсани кўриши еки эшитиши мумкин бўлган кишилар билан суҳбатлаш. Иланиб олмас бўлди.

— Толиб Ҳайитович, биласизми, нимани ўйлаётман: бу каламушлар ҳақиқийсига айнан ўхшайдиган ўз пломбаларини қўя олишлари мумкинми? — деб сўради Жўракул. — Тошкентда қўлбола вино солинган шишаларга қоңоқ ясайдиган устемонлар қўлга тушгани тўғрисида газетада ўқидим — бу қоңоқлар заводда ясалганларидан ҳеч ҳам қолишмас экан.

— Мен бу ҳақда аллақачон ўйлаган эдим, — кулди Толиб Ҳайитович. — Криминалистлар билан бирга бош қотирдик, экспертиза ўтказдик — пломбалар ҳақиқий.

— Унда яна бир гап. Нима учун оз-оздан олишди, бунинг устига дўкандан бемалол сотиб олиш мумкин бўлган нарсаларни ўмарошляди, нима деб ўйлайсиз?

— Азизим, менинг шундай орзуим бор (ишонавер, жуда тез орада амалга ошадиган): ана шу саволин “каламуслар”нинг ўзларига бермоқчиман. Шундан сўнг уларнинг жавобини ўйлаган нарсам

Жўракул хонадан чиқиши билан, табиийки, ўғри тарбиясини дарҳол хаёлидан чиқарди. Бекатга етгунига қадар фақат “каламуслар”, учрашадиган кишилар ҳақида, улар билан нималар ҳақида суҳбатлашгани тўғрисида ўйлади.

Мана, дастлабки учрашув.

Раҳимова. Ўрта ёшларда, оддий кийинган, жозибадор аёл.

Жўракул ҳазил-мutoйба билан дилкаш оҳангда сўз қотди:

— Қандай яшайсиз, сингилжон? Турмушлар жойидами? Бизни соғиниб қолмадингизми?

— Раҳмат, — оддийгина жавоб берди Раҳимова. — Сизларни соғиниб бўларканми?

— Жонингизга тегиб ҳам кетармиз, тўғрими?

— Тўғри. Кейинги пайтда бизнинг олдимизга тез-тез келадиган бўлиб қолдингиз. Бирор нарса юз берганини фаҳмлаш қийин эмас. Бизларга ҳам нимадир бўлмоқда, кимнингдир кўзи тегишди шекилли.

Ҳамма нарса яхши эди, энди эса ҳар куни олиб келинаётган моллар кам чиқади. Худо ҳақи, бу ердан кетишимга тўғри келади.

Булариинг ҳаммаси жонимга тегиб, — маънос оҳангда сўзини тугатди Раҳимова.

— Ҳар ҳолда омборда яна қандай кор-ҳол юз берди?

— Энг охириги янгиликни эшитинг: Тошкентдан бизга 456 та хотин-қизлар пальтосини юборишган эди, 22 та кам олди. Нима қилиш керак? Биз одатланилган йўлдан бордик: комиссия... эксперт... ҳисоблаш... акт... Кимга даъво қилишимиз мумкин?

Яна аеллар пальтоси... 26 та эди, унга яна 22 таси қўшилибди.

Чамаси, “каламуслар”га ана шу пальтолар еқиб қолган шекилли. олдинги гал камроқ олишганидан афсус чекишган кўринади.

Айни шунда Жўракул аёл ҳеч ҳам кутмаган саволин берди:

— Айтинг-чи, пальтодаги артикул ва нархкўрсаткичлар бир хил эдимизми еки ҳар хил?

Раҳимова дарров жавоб бермади. Лекин у довдираб қолмаган, балки хаёлини бир ерга жамлаётган эди.

— Ҳар хил эди, — деди ниҳоят у.

— Аниқ, ҳар хил эди.

— Ҳаммаси ҳамми?

— Йўқ-ей. Мен ана шундай мос келмайдиганидан иккитасини кўрдим.

— Хўш... Сўнгга нима қилдингиз?.. Ана шу икки пальтони умумий акта кiritдингизми ехуд... бекитдингизми?

— Сидиковдик билан суриштиришда давом этди. — Билсангиз ҳам аширддингизми?

— Йўқ, аширганим йўқ. Ўзаро

тилмаган саволдан довдираб қолган эди. Хўш, яна қаерда бўлиши мумкин эди?

— Контейнерни текширдингизми? Юклар жой-жойида эдимиз?

Агар мисол учун, пломбалари бузилган бўлса, қараб чиқмасдан, бемалол ўтиришга ҳақи бормиди.

— Албатта.

— Айтинг-чи, вагон ичига тоmidан тушса бўладими?

— Йўқ, мумкин эмас, — гапни чўрт кесди у.

— Сиз амин бўлганингиздек контейнер бутун бўлса, унинг ичидан аелларнинг пальтолари қандай қилиб йўқолиб қолиши мумкин?

— Ўзим ҳам ҳайронман, — астойдил тан олди Мавлонов. — Шайтон аралашганга ўхшайди...

— Нима ҳам дердик, сизга раҳмат. Шефнинг ахборотидан бошлиқ мамнун бўлди.

Уч кундан сўнг Тошкентдан қайтиб келган майор Шарипов ахборот берди:

— Ишни дарҳол фабрикадан бошладим. Шомохмудов билан учрашдим, келишимдан мақсадни айтдим. У ҳайрон бўлмади. Бу ерда ҳам артикул ва нархкўрсаткичлар ҳақида сўз борди. Шомохмудов тайер маҳсулотни Бухорога юбориш учун ўзи контейнерга юклаганини, яъни пальтолари юклаш ва жўнатиш чоғида шахсан қатнашганини тасдиқлади. Хуллас, юкнинг миқдори борасида ташвишга ўрин йўқ. Иккинчи масала юзасидан цех бошлиғидан суриштирдим. У юборилган пальтоланинг артикуллари ҳар хил бўлиши мумкин дейди.

— Фабрикада яна кимлар билан учрашдингиз? — қизиқди бошлиқ.

— Кўп кишилар билан, — майор ен дафтарини варақлади, бир варагини йиртиб олиб стол устига қўйди.

— Булар тайер маҳсулотни жўнатишга бевосита алоқадор бўлган кишилар.

— Улар нима дейишади?

— Цех бошлиғи айтган гапларни тасдиқлади. Бошқа ҳеч нарса айтишмади.

— Бош қотиришга тўғри келади, — шодон овозда хитоб қилди Ҳайитов. — Юк барча қондаларга амал қилган ҳолда юборилган. Контейнер бус-бутун етиб келган. Юкнинг ўзи турган ерида камайиб қолган. Қандай қилиб шундай бўлиши мумкин? Дўстларим, яхшилаб бош қотиринг, шундоқ бурнимиз тагида моҳирлик билан ўғирлашмоқда. Ҳар гал сувдан қуруқ чиқмоқдалар. Биз ўз ишининг ишбилармонлари, тажрибали изтопарлар ва қидирувчилар

ҳисобланамиз, ўзимиз ҳам шундай деб ўйлаймиз — қандайдир “каламуслар” устимиздан кулиб юришибди. Биз уларнинг изига умуман туша олмаётимиз. — У жиддийлашди, қовоғини уйди. Оғир назар билан уларга разм солди. — Юзларингизга айтаман, таъна деб қийманглар: агар энг яқин вақт ичида, бир неча кун ичида “каламуслар”ни тутмасак, контейнерлар билан боғлиқ бемазагарчиликларга барҳам бермасак, баҳоимиз бир пул, милиция идораларида бизга ўрин йўқ. Чунки кишилар бизга ишонмай қўйишади, бусиз эса на ишлаб, на яшаб бўлади...

Бошлиқ ҳузуридаги кенгашдан сўнг тезкор ходимлар жимгина, тунгшун кайфиятда тарқалишди. Улар уйларида қайтдилар, зеро аллақачон тун бўлган эди.

Эртасига, тонг отиши билан ҳамма ишга киришди.

ЖўРАКУЛ ҳикоясининг шу ерида узоқ тин олди. У маънос бўлиб қолди, чамаси, ўшанда бош қотирганларини эслади. Бамисоли нима ҳақда ўйлаётганини ҳис этгандай у шундай деди:

— Ўшанда айниқса жиноят қидирув бўлинимаси йигитлари кўп қуялган эдилар. Ҳаммадан кўпроқ ўзим жонсарақ бўлдим. Нима учун мен? Ахир, бошлиқ “каламуслар” изидан боришни биринчи бўлиб менга топширган ва ҳеч қандай натижасиз қайтган эдим-да.

Бошлиғимиз маънос бўлиб қолганини пайқайди, кенгашдан сўнг ҳамма унинг хонасидан чиқиб кетгач, мендан қолишни илтимос қилди.

Ўшанда у менга нима деди?.. Мана, сўзма-сўз айтганлари — ўша масалалар хусусида.

Милицияда йигирма йилдан буён хизмат қиламан, — деди у менга, — шу давр ичида кўплаб ёмон кишиларни кўрдим. Ўғирлар, бандитлар, товламачилар, чайқовчилар, қотилларни. Мен уларни ёмон кўраман. Лекин уларга нисбатан ҳар гал болалар боғчасида ишлайдиган аёл билан учрашган пайтимидагидек қаттиқ нафрат ҳис этмаганман. Рашк туфайли одам ўлдириш мумкин, оладиган нафақаси етмаганлиги учун чайқовчилик қиладиганлар бор, очлик виждон овозини босиб кетганида ўғирлаш мумкин.

Хирсдек тўқ бўлса, қулоғу бўйин, бармоқлари олтин бежамаларга тўлиб кетган бўлса, қайси виждон билан болаларнинг насибасини туя қилиш мумкин... Уни одам сафига қўшиб бўлмайди. Нима учун сенга у ҳақда гапирдим. Чамамда, у — “каламус”лардан. Ҳа. Бу кишилар бир жинсга мансуб. Биз овлаётган кишилар ҳеч нарсасига зориқмайдилар. Ишлашади, демак, маош тайин, бошпаналари, ҳамма нарсалари бор. Улар ўмарадиган нарсаларни дўкандан ҳеч қандай қийинчиликсиз, бунинг устига, анча арзон нархларда сотиб олса бўлади. Улар айнан эртага дўконларда пайдо бўладиган, ашеларни ўғирлашади, бинобарин ҳеч қандай милиционер кўчада ўғирланган пальтода юрган аелни тўхтатмайди. Сотини учун эмас, балки аини ўзларча фойдаланишлари учун ўғирлашади.

Акс ҳолда бешта эмас, ўн та тикув машинасини ўмарошляди.

Дарвоқе... Балки бошқача бўлиши ҳам мумкин. Эҳтиёткорлик юзасидан оз-оздан олишар, оз нарса сезилмаслиги мумкин, тинчгина даврон сурилади, беш бармоқ оғизга тикилса, шовқин-сурон ҳам кучли бўлади, бутун милиция оёққа туради, қўлга тушиб қамоқхонага равона бўлиши ҳеч гап эмас... Хўп, майли, бошга тушганини кўз кўради. Ҳозирча битта нарсани аниқ айта оламан: озгина нарса ўғирлаб қўлга тушмаган одам катта нарсаларни орзулаб қолади, биринчи марта ўғирликка бир ўзи тушган бўлса, иккинчисида шериги билан боради. Буни диалектика дейдилар, жин урсин.

(Давоми бор).

Душанба, 4

Сешанба, 5

Чоршанба, 6

Пайшанба, 7
ЎЗТВ I
6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
 Тонгги дам олиш кўрсатуви.

Жума, 8

Шанба, 9

18.00 — 19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
★
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
19.25 Россия телевизион театри.
20.20 "Гойиб булаетган манзара".
Лев Аннинский курсатуги.
21.10 "Крим манзаралари".
Хужжатли фильм.
21.20 "Сен мени тинчландир".
21.30 "Чегарасиз футбол".

Якшанба, 10

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.45 "Бомонд".
19.10 "Миниатюра".
19.25 "Шу самолёт издан боринг".
Бадийн фильм (Франция).
21.00 "Якшанба". Ахборот-публи-
цистик курсатуви.
21.55 "Х" курсатуви.
22.15 — 23.00 "Ростислав Плятнинг
бахтли тақдири". В. Вульф ҳикоя
қилади.

{ "Тошкентдан гапиримиз
ва курсатамиз" дастуридан).

ХАМЗА ТУМАНИ ХАЛҚ СУДИДА

ЖАҲЛ ҚАМОҚҚА ЙЎЛЛАДИ

ОЛЕГ ДИМОВ онасининг ичиб келишини ектирмасди. Бу сафар ҳам онаси ичиб келиб оғзига келганини тўтиқушдек сайрайверди. Бу ўғилнинг жигига тегдими, бас қилишни буюрди. Орага ота суқилиб, ўғилнинг ноҳақ эканлигини айтиб, турмуш йўдошига ён босди. Лекин ўғилнинг фикрича ҳар иккови ноҳақ эди.

Жаҳли чиққан Олег ерда синиб ётган стул оёғини қўлига олди-да, қарсиллатиб отасининг бошига урди. Ота ерга қулади. Боши ёрилиб, жағи синди. Шундан кейингина кўнгли жойига тушган Олег "тез ердам" чақириб отасини шифохонага жўнатди. Судда қатнашган ота ҳам, она ҳам бу воқеага ўзлари айбдор эканликларини таъкидлашди.

Бироқ Ҳамза тумани суд ҳайъати 1979 йилда туғилган Димов Олег Александрович ҳеч қаерда ишламаслигини, 1993 йилда Чилонзор тумани халқ судининг ҳукмига кўра бир йил муддатга кесилганини, жазо муддатининг 6 ойи ўталмаганини ҳисобга олиб, бир йилу олти ой озодликдан маҳрум қилди.

БАҲОНАСИ ЎТМАДИ

ХАМЗА туманидаги Радищев кўчасининг у хонадонидан бу хонадонига бош суқаётган йигитдан шубҳаланган милиция ходимлари уни тўхтатиб, гувоҳлар олдида текширишди.

— Мен, 1971 йилда туғилган Шакуров Илдус бўламан, квартира қидириб юрувдим, — деди шубҳали йигит. Унинг чап чўнтагидан топилган кўкиш рангли модда химия экспертизасининг берган хулосасига кўра наркотик модда бўлиб чиқди.

— Шумилов шаҳарчасидан квартира қидирмоқчи бўлиб темир йўлдан ўтаётган қозонга ўроғлик ерда ётган нарсани кўриб қолдим, очиб кўрсам наша экан, чўнтагимга солиб қўйгандим, — дея баҳона қилди И. Шакуров. Ҳаётида икки бор судланиб ўзига тегишли хулоса чиқаролмаган И. Шакуров бу сафар 2 йил муддатга қучайтирилган режимдаги ахлоқ тузатиш меҳнат колониясига юборилди.

ЯНА НАШАВАНДЛИГИ УЧУН

ТУРЛИ-ТУМАН жинояти учун жазосини ўтаб чиққанлар маълум муддат

кузатув остида бўладилар.

Нашавандлиги учун 1 йилу 6 ой, иккинчи бор содир этган жинояти учун эса 2 йиллик қамок муддатини ўтаган Ваҳоб Жалиловнинг хонадони текширилди. Уйдан яна наша топилди.

Бугал 2 йилу 6 ойлик жазони қучайтирилган режимда ахлоқ тузатиш меҳнат колониясига ўтайди.

ҚУРОЛ ИШҚИБОЗИ

ХАМЗА ТУМАНИ ИИБ ходимлари текширув давомида 27 ёшли Исом Умаровнинг хонадонидан майда калибрли қирқма милтиқ топиб олишди. Сўроқ давомида И. Умаров шундай деди:

— Жарқўрғон кўчасидаги мактаб биноси ёнидан ўтиб кетаётган кишидаги шу милтиқни кўриб, сотишини сўрадим. 1500 сўм эвазига сотиб олиб, жомадон ичига солиб қўйдим. Лекин ундан ҳеч қачон фойдаланганим йўқ. Қурол сақлашдан мақсадим ўз ҳаётимни муҳофаза қилиш эди. Чунки уч-тўрт мартаба уйимга ҳужум бўлганди.

Ноқонуний қурол сақлашда айбдор деб топилган И. Умаров Ҳамза тумани халқ суди томонидан 3 йил муддатга қамок жазосига маҳкум этилди.

КИССАВУР

АЙНИ ТУШЛИК пайти. Қўйлиқ автобус бекатида одамлар гавжум. 68-маршрутли автобус келиб тўхташи ҳамон оломон ўзини унга урди. Одамлар тикилигидан қувонган Ильяс Аҳмадуллин ҳам гўё автобустга чиқаётган бўлди. Аслида эса олдидаги кишининг чўнтагидаги пулни ўта усталик билан олиб, кафтига яширди. Сўнгра автобусдан тушиб, яширинишга уринди.

Киссавур ҳаракатини кузатаётган фуқаро кийимидаги милиция ходимлари ўғри қўлни қисиб ушлади-да, гувоҳлар ва жабрланувчи иштирокида далолатнома тузишди.

Ш. СУЛАЙМОНОВА,

Ҳамза тумани суди раиси.

Х. МҲЙДИНОВ,

"Постда"нинг жамоатчи мухбири,

милиция старшинаси.

МУСАҲҲИХ АДАШДИ...

"Гўлсиз, жоним, гўлсиз!"
(гўлсиз, гўлсиз!).

"Чолнинг "нағма"лари таъсир қилди шекилли, қизгина икки ой ўтар-ўтмас хипчинлашиб, қорайиб қолди". (Чўлнинг).

Э. САТТОРОВ.

ЭЪЛОН

1989 йилда Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги 16-ўрта мактаб томонидан Ҳусниддин Абдуман-нопович Исмоилов номига берилган етуқлик аттестати йўқолгани сабабли

1987 йилда Ўрта Осиё медицина-педиатрия институти томонидан Абдурахмон Шарифович ХОЛОВ номига берилган НВ № 949533 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

1986 йилда Тошкент вилояти Пискент туманидаги 14-мактаб томонидан Алибеков Эркин Сатторович номига берилган Г №960153 рақамли етуқлик аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЗАМБАРАК ЎҚИ

25 МАЙ КУНИ соат 12 дан 20 дақиқа ўтганида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг навбатчилик қисмига Тошкент автомобиль йўллари олий билим-гоҳининг қазис ишлари олиб борилаётган участкасида замбаракнинг ўқи чиққанлиги ҳақида хабар берилди. Дарҳол етиб келган сарбёрлар 100 миллиметрли замбаракнинг ўқи ўқув машғулоти учун тайёрланган махсус ўқ эканлигини аниқладилар ва қаердан келиб қолганини текшириш учун олиб кетдилар.

И. РАҲИМОВ.

Жаҳон бўйлаб

ДЕНГИЗИ ЙЎҚ, ЛЕКИН...

ШВЕЙЦАРИЯ — қуруқлик мамлакати, денгизга чиқиш йўли йўқ. Шунга қарамай 33 кемадан иборат денгиз флотига эга. Улар турли мамлакатлар портларига бирктирилган. Швейцария кемалари турли буюртмачилар, жумладан, ўз мамлакатлари юklarини ташийди.

ЯНГИ ОРОЛ

КЕЙИНГИ йигирма йилда Япониянинг қуруқлик майдони 220 квадрат километрга кенгайди. Бу мамлакат пойтахтидан чиққан ахлат ҳисобига юз берди. Токио яқинидаги денгизда ахлатдан 220 квадрат километрли орол пайдо бўлди. Ўн миллион аҳоли яшовчи шаҳардан суткасига беш мингта юк машинасида ахлат ташиб чиқилади. Оролга саккиз километрли ер ости тоннели олиб боради. Келтирилган ахлатни бульдозерлар текислаб зичлайди. Орол денгиз сатҳидан 30 метр юқорига кўтарилди. Энди унинг устига унумдор тупроқ тўкилиб, боққа айлантирилади.

О.ФАРМОНОВ тайёрлаган.

БИЛОЛ НОЗИМ ТАВАЛЛУДИНИНГ 170 ЙИЛЛИГИГА

"БУ ЖУДОЛИҚТИН БЕРИ..."

Уйғур халқининг етуқ фарзанди, севимли шоири Билол Нозим номи нафақат туркийзабон элларда, балки жаҳоннинг кўплаб халқлари орасида маълум ва машҳурдир. У 1824 йили Ўлжа шаҳрида таваллуд топди. Билол Нозим шоир сифатидагина эмас, балки миллий-озодлик, ижтимоий тенглик курашчиси сифатида ҳам танилган. 1857, 1864 йиллардаги йирик халқ кўзғолонларида қўлига қурол олиб, жангга кирган.

Ундан адабий мерос сифатида "Нозугим қиссаси", "Қулоҳли

Юсупхон", "Ғазот дар мулки Чин" достонлари ва бу достонлар орқали халқ қаҳрамонлигини куйловчи қўшиқлар, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийдек буюк зотларга эҳтиром мисралари, кўплаб ғазаллар қолган. Юқоридаги достонлар ҳали шоир тириклигидаёқ рус олимлари томонидан алоҳида эътибор билан ўрганилиб, Қозон ва Петербургда чоп этилган, баъзилари таржима қилинган.

Билол Нозимнинг қайси йили ва қаерда вафот этгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Тахминларга кўра,

уни етмиш йилдан кўпроқ умр кўрганлиги, Ёркент шаҳрида дафн этилганлиги айтилади.

1990 йили пойтахт жой номларини белгилловчи комиссия тавсияси билан Бектемир туманидаги "Новая жизнь" кўчаси қайта номланиб, "Билол Нозим" кўчаси деб юритилди. Зеро, ўзбек ва уйғур халқлари тарихдан бир-бирига алоҳида эҳтиром билан муносабатда бўлиб келганлар.

Камина ҳам шу тарихий давомчиларининг бир вакили сифатида Билол Нозим ғазалларидан бирига боғлаган муҳаммасимни ушбу мўъжазгина мақолага илова қилмоқчи лозим топдим.

Дилмурод САЙИД,


Тошкент шаҳри.

БИЛОЛ НОЗИМ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Йўқ эди ғам айласа гар йўғу боримдин жудо,
Йўғу бор не, яхши эрди ҳуш-мадоримдин жудо,
Ҳуш-мадор не, тан аро жони фигуримдин жудо,
Ой найлай, бу фалак қилди нигоримдин жудо,
Андалиб янглиғ бўлубмен гулузоримдин жудо.
Ўзгадин йўқ ранжишим ҳеч, ўз-ўзимга ағермен,
Ғайрига на, улфата на, на ўзумга даркор мен,
Ҳамдаи дарду фироқу ҳамнишини озор мен,
Бу жудолиқтин бери андуху ғамга ёр мен,
Ҳам мени қилган учун ағер ёримдин жудо.
Бу жунун даштида, оҳ, Мажнун киби бечора мен,
На ямонлиқ айладим қайтур, фалак даввора мен,
Сирри пинҳон йиғламоқтин эл аро ошкора мен,

Йиғламай найлай бугун бир хастаю овора мен,
Ушбу фурсатларда бўлдум беқароримдин жудо.
Қисматимда асли шундоқ гар ёрлугум бўлмаса,
Ҳам азал котиблари битгон ёзуғум бўлмаса,
Шўришу рўзи қаро бош узра бир зум бўлмаса,
Бахти қочқан бўлмасам, толем шум бўлмаса,
Бўлғай эрдиму бугун юзи аноримдин жудо!
Дилмуродо, бас эрур, арзингни қўйгайсен қачон,
Ки, демишлар нурули кун, тун ортидан келгай, инон —
Келгуси албатта ёр айлаб хиромин сен томон,
Ғунчавош нозук баданинг ой юзин кўрган замон
Бу Билол айтур: "Бўлурмен оху зоримдин жудо!"

Бошқотирма



Қуйида таърифланган сўзлар уч ҳарфли бўлиб, шакл атрофидаги хоналарга "занжир" ҳолида жойланади.

1. Шоҳмот донаси. 2. Математик тенгламани ташкил этувчи сонларнинг ҳар бири. 3. Қимматбаҳо тақинчоқ. 4. Кишининг ҳис-туйғуларини акс эттирувчи кайфият. 5. Гап бўлаг. 6. Буюм сиртини пардозлаш учун ишлатиладиган суюқлик. 7. Жаҳонга танилган кўзбойлоқчи, цирк устаси. 8. Энг улуғ зот. 9. Қозоғистонда нашр этиладиган ҳажвий журнал. 10. Ҳашарот тури. 11. Балхаш кўлига қуйиладиган дарё. 12. Шарм, ҳаё. 13. Кўпинча ука ва сингил тилга оладиган сўз. 14. Билим "лампочка"си. 15. Тана аъзоси. 16. Мезазор маскан. 17. Тоғлардаги табиий бўшлиқ. 18. Дурадгорлик маҳсулоти. 19. Шоҳмот ўйинидаги ҳолат. 20. Саноқ сон тури. 21. Фасл.

Энди шакл марказидаги айланаларда берилган рақамларни жавобларнинг биринчи ҳарфлари билан алмаштириб, машини ечинг. Унда ўзбек халқ мақолларидан бири ҳосил бўлади.

Ф. ОРИПОВ тузган.

Мухаррир
Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Газета ҳафтанинг жума
кунлари чиқади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлезмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.

Буюртма Г — 1060

Ҳажми — 2 босма табоқ.

Босилиш — офсет усулида.

Босишга топшириш вақти — 19.00.

Босишга топширилди — 19.00.

Обуна рақами — 64615.
39.934 нусхада босилди.

ТЕЛЕФОНЛАР:

муҳаррир — 39-70-40,
муҳаррир ўринбосари
— 39-77-23, масъул
котиб — 59-29-66,
муҳбирлар бўлими —
59-20-92, умумий
бўлим — 59-21-21.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.